


Р. МУКМИНОВА

ТҮРТ
АСР
ОЛДИНГИ
ТОШКЕНТ



Р. МУКМИНОВА.

ТҮРТ АСР ОЛДИНГИ
ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1984

Ушбу рисолада XV аср охири ва XVI асрга оид ёзма манбалар асосида 400 йил олдинги Тошкентнинг савдосотиқ ишлари, ҳунармандчиллик ва меъморчилик обидалари, шунингдек шаҳар ҳаётига оид ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва синфий кураш, уша даврларда Тошкент обlastida истиқомат қилган халқлар ва элатлар ҳақида ҳикоя килинади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мұлжалланған.

Масъул мұхаррир
Тарих фанлари доктори Ҳ. ЗИЯЕВ

Тақризчилер:
Тарих фанлари доктори F. РАШИДОВ,
филология фанлари кандидати А. УРИНБОЕВ

Розия Галиевна Мукминова

ТАШКЕНТ 400 ЛЕТ НАЗАД

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

Узбекистон ССР ФА илмий-оммабоп адабиётлар таҳрир ҳайъати томонидан нашрига тасдиқланған

Мұхаррир M. Алиева
Рассом Э. Валиев
Техмухаррир B. Тарахович
Корректор M. Содикова

ИБ № 2971

Теришга берилди 26.11.84. Босишига рухсат этилди 18.12.84. Р03138. Формат 84 × 108^{1/2}. Босмахона қоғози № 1. Юқори босма. Адабий гарнитура. Шартли босма л. 2,52. Ҳисоб-нашириёт л. 2,5. Тиражи 3000. Заказ 248. Баоҳси 10 т.

УзССР «Фан» нашриёти. 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
УзССР «Фан» изжриётининг босмахонаси. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

0505040000—3015
М ————— М 355 (04) — 84 12—84

© Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1984 ғ.

КИРИШ

Тошкент — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги туфайли Тошкент бугунги кунда мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий марказига, дўстлик ва тинчлик шаҳрига, Шарқдаги машъалга айланди.

Тошкентнинг икки минг йиллик тарихи узоқ утмишга бориб тақалади. Шаҳар кўп асрлар давомида ҳам гуркираган, ҳам инқирозга юз тутган вақтларни бошидан кечирди. Умуман, шаҳар ўз умри бўйи Ўрта Осиё тарихида муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, босқинчиларнинг ҳужуми, вақти-вақти билан узоқ давом этган ўзаро феодал урушлар, оғир феодал зулм, табиий оғатлар шаҳар аҳолисини, ҳужалигини хонавайрон қилган, қўшни вилоятлар билан иқтисодий, маданий алоқаларнинг узилишига, шаҳарнинг умумий ҳолатига таъсир этган. Фақат ўзаро ва босқинчилик урушлари қисқа муддатга тўхтаган вақтлардагина хунармандчилик, ички ва ташқи савдо у ёки бу даражада жонланган, ривожланган.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг нисбатан барқарор сиёсий ва иқтисодий юксалиш даврларидан бири XV асрнинг охири — XVI асрнинг айrim ун йилларига тўғри келади. Айнан шу йилларда Кўкалдош ва Бароқхон мадрасаси, Қаффол Шоший ва Юнусхон мақбараси, Коратош районида махсус лойиҳали ҳаммом сингари ҳашаматли бинолар қад кутарди. Бизгача етиб келган ушбу бинолар меъморчилик ёдгорлиги сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади. Улар бугунги кунда шаҳарнинг гузал замонавий биноларига қўшилиб, чиройли манзара кашф этади.

Қатор ёзма ёдгорликлар — уша давр шоир, ёзувчи ва тарихчиларининг асарлари XVI—XVII асрнинг биринчи ярмига тааллуқлидир. Улар шаҳар маданиятининг нисбатан юқори даражада бўлганлигини кўрсатувчи далиллар.

Тошкент тарихи баён қилинаётган даврда шаҳарда қисқа ёки узоқ муддат ўз даврининг таниқли шоир ва ёзувчилари, жумладан Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайнiddин Восифийлар яшаган-

лар. XVI аср олимлари орасида Улуғбекнинг шогирди— Али Қушчининг невараси Ҳофиз Кўҳакий машҳур бўлган. У араб тили ва адабиётини яхши билган ҳамда «Алломан Ҳофиз Тошкандий» фахрий унвонига эга бўлган. Уларнинг кўпчилиги феодализм давридаги Тошкентнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар.

Бу уринда шуни қайд қилиб утиш лозимки, маданият аксари Ўрта Осиёning асосий икки шаҳри — Самарқанд ва Бухорода навбатма-навбат, гоҳо бир вақтда давлатнинг пойтахти бўлган марказларда тупланган. Ўрта аср давомида мазкур икки шаҳар сиёсий ҳаёт, ҳунармандчилик ва савдо, шунингдек Ўрта Осиёда халқ қўзғолонларининг асосий маркази бўлиб келди. Самарқанд ва Бухоронинг маданий марказ сифатидаги роли ҳам катта бўлган. Айнан шу шаҳарларда тарихга оид асар ва ҳужжатларнинг кўпи битилган. Бу ҳужжатларда у ёки бу даражада мазкур икки шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ўз аксини топган. Ўрта асрда вилоят марказларида, жумладан Тошкентда содир бўлган воқеалар Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорлари саройидаги сарой шоирлари эътиборини камдан-кам жалб этарди. Маҳаллий, шунингдек Тошкент ҳукмдори саройида хизмат қилган шоир ва тарихчиларнинг асарлари бизгача деярли етиб келмаган. Бу эса ўрта аср Тошкент тарихини ҳар томонлама ва батафсил ёритиш имконини бермайди. Шундай бўлса ҳам, нисбатан жуда оз бўлган қўлёзма манбаларни урганиш ва таҳлил қилиш Тошкент XV аср охири ва XVI асрда феодализмнинг баъзи даврларидаидек, Ўрта Осиё экономикасида ҳамда ўлкада содир бўлган сиёсий воқеаларда муҳим роль ўйнаган деган холосага олиб келади.

Мавжуд қўлёзма ёдгорликларини синчиклаб ўрганиш курсатилган давр Тошкент тарихини аниқлаш учун материаллар топиш имконини беради. Биз учун меҳнаткаш аҳоли ҳаёти, феодал зулмга қарши кураши, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдога оид маълумотлар айниқса муҳимдир. Афсуски, қўлёзма манбаларда бундай маълумотлар деярли йўқ. Чунки, ўша даврларда яратилган асарлар сulton ва хонларни мадҳ этиш мақсадида ёзилган булиб, асар муаллифлари шоҳларнинг ҳаётига доир ҳақиқий ва ўйлаб топилган воқеаларни, уларнинг зиёфатлари-ю, ов қилишларини, хурсандчиликларини, ўзаро олиб борган жангларини бағафсил ёзишга асосий эътиборни беришга мажбур эдилар.

XV АСРНИНГ ОХИРИ ВА XVI АСРДА ТОШКЕНТ

Тошкент тарихини ўрганишда ёзма манбалар катта роль ўйнайди. Тошкентнинг XV асрнинг охири XVI асрга тұғри келадиган ҳужжатларининг маълум қисми ўзбек тилида, қолганлари форс тилида битилган. Айрим ҳужжатларда Тошкент матн орасида йүл-йўлакай тилга олинса, бошқаларида олий ёки маҳаллий ҳукмроннинг маҳаллий феодалларга Тошкентнинг ҳадя этилганилиги ёки Тошкент атрофидаги аҳолидан солиқ тұплаш ҳақида берилган ҳужжатларда қайд этилади.

Биз Тошкентта тегишли бир неча ҳужжатга әгамиз. Ҳужжатларнинг кам сонлилигига қарамай, уларда келтирилған аниқ маълумотлар шаҳар ва унга яқин бұлған жойлар үтмишини тиклашда муҳим роль ўйнайди.

Айрим ҳужжатларда ва уларни тузиш учун қилинған құлланмаларда Тошкент ҳокимиға тұпланадиган солиқларнинг номи ҳақида аниқ маълумотлар учрайди. Масалан, «Мактубот ва аснод» (XV—XVI) құләзма тұпламида ўзбек тилида битилған ҳужжатда тобе бұлған Тошкент вилояды аҳолисидан тұпланадиган солиқлар санаб үтилған¹.

Бу ҳужжатда Тошкент ва Тошкент вилоядыда истиқомат қылған «туркий халқлар ва тожиклар», шунингдек, араблар, қарлуқлар уруғи қайд қилинған.

Феодаллар, шу жумладан, Тошкент ҳукмронлари, йирик дин арбоби Сайид Фозил Али ва унинг авлодлари номига берилған фармонларда күп сонли солиқ ва мажбуриятлар (уларнинг умумий сони түкsonдан ошади) санаб үтилади. Мазкур фармонларда Тошкент ҳукмдорлари хазинасига уларға тобе бұлған Ахсикент ерларидан тұпланған солиқлар миқдори (олтын динорларда) ҳақидаги қымматли ҳужжатлар, шунингдек, тобе аҳолининг жуда оғир эксплуатация қилиниши ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Бунға үтрең аҳолининг ер-

¹ «Мактубот ва аснод», СССР ФА Шарқшunoslik институтининг Ленинград бўлими қўләзмаси, Изв. № A-210, 94 б—95 бетлар.

сувларини тащлаб кетганлиги ҳақидаги ҳужжатлар далолат беради. Ҳатто айрим ҳужжатларда деҳқонларни ўз ер-жойларига мажбуран қайтариш ҳақидаги маълумотлар учрайди².

Бухоро хони Имомқули (1608—1642 йиллар) номидан эълон қилинган ҳужжатда аҳолидан тўпландиган солиқ турлари: даҳ-йак, даҳ-ду, муқаррари, ихрожот, олиғот, амалот санаб ўтилади. Бу солиқларнинг кўпимол билан тўплланган^{3—4}.

Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмадхон (Бароқхон) номидан эълон қилинган ва ўзбек тилида битилган ҳужжатлар ҳам маълум миқдорда қизиқиш уйғотади. Ушбу ҳужжатларда Тошкент шаҳри аҳолисининг маълум қисми ҳам ҳунармандчилик, ҳам деҳқончилик билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Улар қишивақтларида ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб, баҳор келиши билан катта ер эгаларидан ижарага олган ерларда ишлаш учун шаҳар атрофларига чиқиб кетар ва шу билан ўз оиласарини маълум даражада қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари билан таъминлардилар. Ёнингарчилик етарли даражада бўлмаслиги ва сувресурсларининг бир текисда тақсимланмаслиги қадим-қадимларда ҳам маҳаллий аҳолини сунъий суғориш иншоотларини барпо этишга мажбур этган. Биз кўраётган даврнинг айрим йилларида ҳам янги каналлар қазиш, вақти-вақти билан суғориш иншоотларини тузатиш ва тозалаш ишлари амалга оширилар эди. Лекин бу ишларнинг энг оғирини оддий ҳалқ бажарса ҳам каналлардан келган сув асосан бойлар ерини суғориш учун сарфланарди.

Тошкент ҳақидаги тарқоқ, лекин қимматли материаллар қиссаларда ҳам учрайди. Бу борада XVI аср 30-йилларининг охирида ёзилган «Бадоеъ ал-вақоеъ» айниқса диққатга сазовордир.

Зайниддин Махмуд Восифий уз асарида Тошкент боғлари, уларда этиштирилган мевалар ҳақида, Тошкент қалъасининг мустаҳкамлиги, тош отадиган «сангандоз» машинаси ва бошқа нарсалар ҳақида мароқ билан ҳикоя қиласиди. У феруза ва темир конлари, шунингдек, Тошкент вилоятида чўян қўйиш ҳақида ҳам

² Жувонмардиев А. XVI—XIX асрларда Фарғонада срсув масалаларига доир. Тошкент, 1965; Набиев Р. Н. Из истории феодального землевладения в Фергане в XVI—XVII вв., Известия АН УзССР, 1960, № 3.

^{3—4} Қаранг: Семенов А. А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства, Ташкент, 1929, с. 29.

тұхтаб үтади. Тошкентда чуяңдан қуйилған қозонлар құшни, айниңа чуллардаги вилоятларга олиб кетилған. Зайниддин Восифий үз хотираларида Шоҳрухия вилояті барча тикувчиларининг бошлиғи этиб Ҳусайн тикувчининг тайинланғанлығы ҳақидағи фармон матнини көлтиради. Фармон мазмунидан маълум булишича, шаҳар ҳунармандчилік бирлашмаси бошлиқларига фақат шаҳардаги мазкур соҳа ҳунармандлари бўйсунибгина қолмай, вилоятдаги барча тикувчилар ҳам бўйсунган. Сўзсиз, бундай ҳолат Шоҳрухияга құшни Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам бўлган.

Зайниддин Восифий Тошкент ҳукмдори саройда — Кайковус чорбоғида үtkазиладиган адабий мушоидаларда ҳам фаол иштирок этган. Чорбоғ Тошкент қалъасининг ташқарисида жойлашган. Зайниддин Восифий асарида Тошкент шаҳрининг XVI аср бошларида фан ва маданият маркази бўлганлығы ҳақидағи маълумотлар, Тошкентда ишлаган баъзи фан арбобларининг номлари көлтирилган.

Камолиддин Бинойнинг «Шайбонийнома», муаллифи номаълум «Таворихи гузидан нусратнома», Фазлуллоҳ ибн Рӯзбихон Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Муҳаммад ибн Араб Қатағонийнинг «Мусаххир ал-билод» ва бошка бир қанча асарларда XVI аср Тошкент тарихи ҳақидағи қисқа, лекин муҳим маълумотлар учрайди.

Абдуллахон II нинг сарой тарихчиси Ҳофиз Таниш қаламига мансуб бўлган «Абдулланома» XVI аср иккинчи ярмида яратилған пухта асар ҳисобланади. Мазкур асарда Абдуллахон II билан Навruz Аҳмадхон ва унинг ўғиллари ўртасида Тошкент ҳукмдорлиги учун олиб борилған шиддатли сиёсий ва ҳарбий курашлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Шаҳарни қамал қилған феодал босқинчилар қүшинларидан Тошкентни ҳимоя қилған шаҳарликлар, уларнинг оғир аҳволи, шунингдек, шаҳар қалъаси деворларининг мустаҳкамлиғи ҳақида қизиқарли маълумотлар көлтирилған. Китобда Тошкентда булиб үтган халқ ғалаёнлари ҳақида хабар берилған. Тошкентда 1588 йили булиб үтган халқ ғалаёни ҳақида маълумот, айниңа қимматлидир.

Тошкент шаҳри ва унинг вилоятлари аҳолисининг феодал эксплуатацияга қарши олиб борган кўп асрлик кураши энциклопедист олим Маҳмуд ибн Вали асарида үз аксини топди.

Тошкент вилоятида турли халқлар истиқомат қилған. Эски узбек тилида ёзилган ҳужжатларнинг мавжудлиги аҳолининг күпчилик қисми туркий тилда сўзлашганинигдан далолат беради. Улканинг икки тилда — эски узбек ва тожик тилида гаплашадиган аҳолисидан фарқли ularoқ Тошкент шаҳри ва унинг вилоятларидаги аҳолининг маълум қисми фақат эски узбек тилида сўзлашган.

Олий ёки маҳаллий ҳокимларга ҳадя этилган ердаги аҳолини ҳокимга бўйсунишга даъват этадиган ё бўлмаса ҳужжатларда санаб ўтилган бойликларни у ёки бу йирик феодал фойдасига бериш мақсадида битилган фармонларда «турк ва тожикларга» мурожаат этиладики, бу Тошкент ва Тошкент вилоятида ҳозирги узбек ва тожикларнинг аждодлари яшаганигидан далолат беради.

Мир Муҳаммад Амин Бухорий узининг «Убайдулланома» асарида Тошкент воҳасининг бошқа миллат аҳолиси билан бирлашган қозоқ ва қорақалпоқ халқлари ҳақида гапириб ўтади⁵⁻⁶. Бу маълумотлар қатор ҳужжатларда, шунингдек Фазлуллоҳ иби Рӯзбихон Исфахонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида қайд этилган Тошкент ва унинг атрофида яшаган халқлар ҳамда қабилалар ҳақидаги маълумотларни тұлдиради.

Мир Муҳаммад Амин Бухорий ёзишича, Тошкентнинг шаҳар деворлари душман ҳужум қилған вақтда құшни аҳолиларни ҳам муҳофаза қилишда мустаҳкам истеҳком ҳисобланған. «...қозоқ ва қорақалпоқ уруғлари қалмоқларнинг сон-саноқсиз қүшинлари олдида қурққанларидан азалдан яшаб келған жойларини ташлаб Тошкент истеҳкомида ҳимоя топдилар»⁷, — деб ёза-ди Муҳаммад Амин Бухорий.

Турли халқлар меҳнаткаш аҳолиси вакилларининг биргаликдаги кураши ҳақида «Дастур ал-мулук»да Хожа Самандар Термизий ҳам маълумот берган⁸.

Лекин феодал ҳукмронлар қаршилик күрсатиб кураш олиб борган меҳнаткашлардан қаттиқ уч олганлар. Муҳаммад Юсуф Мунший машҳур «Тарихи Муқимхон» асарида Тошкентни қамал қилған душманларга зарба беришни ташкил қилиш, тошкентликларнинг босқинчи хон томонидан қўйилған ҳукмдорларни жазо-

⁵⁻⁶ Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме. Ташкент, 1957.

⁷ Муҳаммад Амин Бухорий. Уша асар, 163-бет.

⁸ Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук, Факсимилие, таржима, сўзбоши, изоҳлар М. А. Салоҳиддинованики, М., 1971.

лаши ва уз навбатида Бухоро хони Имомқулихоннинг кураш олиб борган меҳнаткашларни ваҳшиёна жабрлаши ҳақида ҳикоя қиласиди⁹.

Юқорида қайд этилган ёзма манбалар Тошкент ўтмиши тарихий воқеаларга бойлигидан далолат беради.

Шаҳарнинг номи ҳақида

Тошкент номи ҳақидаги дастлабки маълумотлар XI асрга тааллуқлидир. Тошкент топоними Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида учрайди. Қулёзма манбалар — асар ва ҳужжатларда шаҳарнинг қадимги номи Шош (Чош, Чоч)¹⁰ ҳам ишлатиб келинган. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур уз эсадаликларида: «...асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар»¹¹, — деб қайд этади.

Бобур бошқа асарларида уша вақтларда асосан шаҳар Тошкент аталиб: «Тошкент ва Шоҳрухия, Шош ва Бинокат номи билан ҳам юритилган»¹² — деб ёзади. Фазуллоҳ ибн Рӯзбихон ҳам «Меҳмонномаи Бухоро» тарихий-адабий асарида юқоридаги фикрни айтади. У: «Тошкент ва унга қарам бўлган ерлар Шош вилояти номи билан юритилади»¹³ — деб ёзади.

Вақф мулкига ҳадя қилинган ер-жойлар рўйхати келтирилган 1546 йилга оид вақф ҳужжатда: «Шош вилояти Тошкент номи билан маълум бўлган»¹⁴, — деб ёзилган. XV—XVI асрларга оид бўлган шахсий хат, расмий ҳужжатлар намуна ва нусхалари тўплами ҳисобланган «Мактубот ва аснод»га киритилган икки ҳужжатда (унинг бири узбек тилида) шаҳар Тошкент номи билан юритилган, унинг қадимий номи эса бутунлай тилга олинмаган¹⁵. Умрининг маълум қисмини

⁹ Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история, Ташкент, 1956.

¹⁰ Чош Тошкентнинг номи сифатида А. Навоий номли Самарқанд Давлат университети кутубхонасиининг Шарқ қулёзмалари булимида сақлангаётган қулёзмада учрайди. Қулёзманинг на боши, на охири бор.

¹¹ Бабур-наме, Ташкент, 1958, с. 16 («Бобурномадан келтирилган мисоллар русча нашридан олинган»).

¹² Бобурнома, 60-бет.

¹³ Фазлаллаҳ ибн Рӯзбихон, Михман-наме-йи Бухара. М., 1976, Таржима, сўзбоши, изоҳлар Р. П. Жалиловоники, с. 144.

¹⁴ Самарқандские документы XV—XVI вв. Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания, указатели О. Д. Чехович, М., 1974, с. 359.

¹⁵ Мактубот ва аснод. СССР ФА Шарқшунослик институти. Ленинград бўлими, инв. № А-210, 94 а, 95 б, 148 б-варақлар.

Тошкент ҳукмдорлари саройида ўтказган тарихчи ва шоир Зайниддин Восифий Тошкент топонимини күп ишлатади.

Маълум булишича, шаҳарнинг Тошкент номи эски номларни аста-секин сиқиб чиқара бошлаган. Бу ҳақда XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган энциклопедист олим Маҳмуд ибн Вали: «Шош шаҳри Сайхун дарёсининг нариги қирғоғида жойлашган ва Туркистонга қарайди...; шаҳарни Чоч деб ҳам атайдилар. Лекин шаҳар ҳозирги вақтда Тошкент номи билан маълум»¹⁶,—деб ёзади.

Езма ёдгорликларда аҳён-аҳёнда мазкур шаҳарнинг номи Шошкент номи билан учрайди. XVI асрнинг охирларида қози ҳукмлари тупламига кирган, туар жой сотилиши муносабати билан 1590 йили тузилган ҳужжат «Шошкентда, яъни Тошкент номи билан маълум булган шаҳарда битилди»,— деб қайд этилган¹⁷.

Шундай қилиб, мавжуд қулёзма манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри узининг 2000 йиллик тарихи давомида бир неча хил ном билан, аталган, хусусан— Шош, Чоч, Бинокат ва ниҳоят Тошкент. М. Е. Массон таъкидлашича, туркийлаштириш умумий жараёнининг кучли таъсирида шаҳар аста-секин ҳозирги ном— Тошкент номи билан юритила бошланган.

Шаҳар топографияси

Тошкент воҳаси кўчманчилар дашти билан чегараланар эди. Бу утроқ аҳоли билан қўшни дашт кўчманчилари ўртасида озиқ-овқат маҳсулотлари алмашиш имконини берарди. Чегарадош халқларнинг ўзаро иқтисодий ва савдо алоқалари мазкур ўлкалар хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир курсатиб, улар ўртасида Тошкент шаҳрининг воситачилик ролини оширади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрининг бундай жойлашиши феодал қўшинлари томонидан тала-ниши учун ҳам қулай шароит яратарди.

Тошкент шаҳри ҳарбий мақсадда чўлга кетаётган ва ундан қайтаётган Мовароунаҳр ҳукмдорларининг дам олиш жойи сифатида ҳам маълум эди.

¹⁶ Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Сўзбоши, таржима, изоҳлар Б. А. Аҳмедовники, Тошкент, 1977, 56-бет.

¹⁷ Мажмуаи вакоиқ, УзССР ФА Шарқшунослик институти, № 1386, 174 а-варақ.

Тошкент шаҳри душманларнинг бир неча бор ҳужумига бардош берган мудофаа девори билан ўралган эди. Шаҳар мудофаа деворининг мустаҳкамлиги ҳақида ташқи душманлар ҳужумидан шаҳарни муваффақиятли мудофаа қилинганини кўрсатувчи кўплаб мисоллар далолат беради. Чунончи, Шайбонийларнинг қудратли хонларидан бири Абдуллахон II фақатгина етти уринишдан сўнг шаҳарни бутунлай забт эта олган. Қалъа оқар сув билан таъминланган. Ҳужжатлардан бирида Тошкент қалъасидан Оби Журқон ариғи оқиб чиқарди¹⁸,— деб қайд этилади.

Қўлёзма манбаларда кўп ҳолларда шаҳарни сув билан таъминлаган каналлардан бирининг номи келтирилади. Бу Салор канали булиб, уни Рудак номи билан ҳам атаганлар. Тошкентнинг шимолий чеккала-рини Зах¹⁹ канали сув билан таъминлаган.

Шаҳарнинг шимоли-ғарбида булган, ҳозирда туар жой массиви булмиш Қорақамиш ҳам уша давр қулёзмаларида учрайди. «Мусаххир ал-билод»нинг автори Муҳаммад Йор бин Араб Қатағоний кўрсатишича, Қорақамиш Тошкент дарвозасидан ярим фарсах* нарида жойлашган. Хўжа Убайдулла Аҳорога қарашли ерларни кўрсатувчи XV аср охирига онд ҳужжатда Қорасув, Оққўрғон (бир қисмида, ҳозирги астрономик обсерватория жойлашган) сингари бизнинг давримизда ҳам уз номини сақлаб қолган жой номлари кўрсатилган. Шаҳарнинг шимолий қисми — Чифатой маҳалласидан узоқроқда Хотин куприк деган куприк ва шу номда жой бўлган. Шайх Зайниддин мозори ҳам қайд этилган. Сунгги маълумотларга кура, шаҳарнинг ун икки дарвозаси бўлган. XVI аср охирларида шаҳарга қилинган ҳужумлардан бирида шу воқеаларнинг шоҳидларидан бирининг ёзишича, дарвозалардан бири куйиб кетган. Шундан шаҳар дарвозалари ёғочдан ишланган деган хуносага келиш мумкин.

Хофиз Таниш ёзишича, бошқаларга ибрат булиши учун Тошкент дарвозалари тепасига ҳоким буйруғига биноан душманларнинг кесилган бошини осиб қўядилар.

Самарқанд дарвоза номи сақланган бўлиб, шаҳарнинг бу дарвозаси Самарқандга кетадиган йўл устига қурилган эди.

¹⁸ Самарканские документы XVI—XVII вв., с. 298.

¹⁹ Уша жойда.

* фарсах — 6 км.

Тошкент шаҳрида XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида қатор ишшоотлар барпо этилган. Уларнинг баъзилари бизгача етиб келган булиб, улар бугунги кунда давлат муҳофазасига олинган. Чорсудаги баландликда пишиқ ғиштдан ҳаворанг гумбазли Кўкалдош мадрасаси, ундан сал нарироқда Хўжа Аҳрор Фармони билан XV асрнинг 50-йилларида қурилган маҷит ва унчалик катта бўлмаган мадраса қурилган эди. 1541—1542 йилларда меъмор уста Ғулом Ҳусайн Қаффол Шоший мақбарасини тиклади. Бизгача Юнусхон мақбараси ҳам яхши сақланган ҳолда етиб келган. Бу мақбарага XV асрнинг охирларида уз давлатининг пойтахти қилиб Тошкент шаҳрини белгилаган ҳукмдор Юнусхон дафи қилинган. Маъмурий бинолар шаҳар марказига жойлашган эди.

Тошкент яқинидаги тоғларда қазилма бойликлар мавжуд эди. Бу металл ишлаш саноатининг ривожланишига катта таъсир курсалди. Шунингдек, қазиб олинган тошкумирдан кенг миқёсда фойдаланганлар, чунончи, тошкумирнинг кулидан матоларни оқартиришда фойдаланилган.

Қазилма бойликларнинг мавжудлиги бу районларда аҳоли маълум қисмининг тўпланишига сабаб бўлган. Асосий аҳолиси темир ишлаш билан машғул бўлган Оҳангарон «Тавориҳи гузидай нусратнома» (16 а. бош.) ва ундан илгарироқ ёзилган қулёзмаларда учрайди.

Тошкент воҳасининг ерлари темир, мис, қўрошин, ферузага бой эди. Қачонлардир Шошда мамлакатда муомалада бўлган кумуш тангалар манбай — кумуш конлари мавжуд бўлган. Лекин мазкур бойликлар аста-секин тугай бошлаган ёки узлуксиз феодал уруш ва низолар туфайли кон қазиш ишлари тухтаб қолган. XVI асрнинг 40-йилларида феруза ва темир конлари ҳали ишлаб турган жабҳа сифатида тилга олинади. Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмадхон саройида хизмат қилган Зайниддин Восифий 1540 иили ҳукмдорнинг фармонига биноан Сайд Шамсиддин Муҳаммадга суюргол ҳуқуқи билан ишлаб турган феруза ва темир конларидан ташқари Тошкент воҳасидаги буш ётган ерлар ва конларни ҳам инъом этиш ҳақида давлат ҳужжатини тузади. Лекин орадан юз йил утгандан сўнг бошқа бир муаллиф ишлаб турган феруза ва темир конларини ишламайди деб қайд этади.

Маҳмуд ибн Вали 1634—1641 йилларда ёзилган асарида Тошкент ва унинг воҳасини тасвирлаб: «Тоғларда феруза, темир ва қўрошин конлари бор. Улар-

дан бугунги кунда фойдаланилмайди»²⁰, — деб ёзади ва бошқа бир жойда: «Исфара тоги Шош атрофида жойлашган. Тоғда нефть, феруза, темир, мис, құрғошин ва олтин конлари бор, лекин бугунги кунда улар ишлатылмайди», дейди. Тошкент воҳасида тошкүмир ҳам қазиб олинган. «Шошнинг баъзи тоғларида,— деб ёзади Маҳмуд ибн Вали,— утингек ёнадиган тош учрайди, унинг кули ниҳоятда оқ булиб, кир ювгандан совун ўринида ишлатиш мумкин»²¹. Тарихчи олим Хондамир ҳам шуларни қайд этган. Тошкент (Шош) вилоятида «...Ширэ тоги бор. Унда кўплаб конлар булиб, улардан олтин, темир, мис, феруза ва нефть олинади. Бу ерда тош мавжуд булиб, у кумирдек ёнади. Тош ёниб булгандан кейин жуда ҳам оқ кул қолади. Бу кул билан матолар оқ рангга буялади»²², — деб ёзади Хондамир.

Тошкент — ҳунармандчиллик, савдо ва маданият маркази

Бу даврларда Тошкент маъмурий бошқариш маркази эди, ўз даври учун аҳоли нисбатан гавжум жойлашган шаҳар булиб, аҳолининг талайгина қисмини савдогар-ҳунармандлар ташкил қиласиди.

Шаҳар ва унинг атрофида бир неча карвонсаройлар булган. Чет мамлакатлардан келган савдогарларнинг ҳам карвонсаройлари бўлган. Пском ва Чотқол дарёлари қўйилиб, Чирчиқ дарёси бошланадиган жойда XVIII асрда ҳам ишлаб турган тош деворли карвонсарой мавжуд булган²³.

Тошкент воҳасининг кўчманчилар дашти билан чегарадош конли тоғларга яқин жойлашганлиги сабабли бу ерда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланган эди. Ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар фақатгина шаҳар аҳолиси ўртасидагина эмас, қўшни ўтроқ аҳоли ва даштда яшовчи кўчманчилар ўртасида ҳам сотиларди. Айниқса, кўчманчилар шаҳарнинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль уйнаганлар.

Шахарда кўплаб дўконлар, савдо расталари, бозорлар мавжуд эди. Дўконларнинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида ҳам дўкон, ҳам устахона ҳисобланарди.

²⁰ Маҳмуд ибн Вали. Курсатилган асар, 56-бет.

²¹ Уша асар, уша жой.

²² Қаранг: Иванов П. П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. Краткий исторический очерк. М.—Л., 1932, с. 39.

²³ Қаранг: Буряков Ю. Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса, Ташкент, 1978, с. 57.

Корхонага ухшаш устахоналарда маҳсулотлар тайёрланиб, уларни асосан бошқа жойларда сотиларди. Металл, заргарлик ва сопол буюмлар, кийим-кечак, қуроллар дүконларда сотиларди, айрим ҳолларда шуерда тайёрланарди. Бозорларда мисгарлар, темирчилар, қандолатчилар, нонвойлар ва бошқа ҳунармандларнинг растаси бор эди. Ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотларнинг маълум миқдори шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини қондирса, баъзи бир маҳсулотлар, яъни газлама, пойафзалларнинг баъзи турлари, қозон, идиш-товоқлар, қуроллар узоқ мамлакатларга ва, айниқса, кўчманчилар яшайдиган чўлларга олиб бориб сотиларди.

Одатда ҳунармандлар яшайдиган маҳаллалар шу ҳунармандлик номи билан аталиб, шаҳарга кираверишда — тақачилар, шаҳар марказида заргарлар, шаҳар чеккасида совунгар ва қунчилар, оқар сувларга яқин жойда газламаларга гул босувчилар яшарди.

Тошкентда XVI асрга келиб қурилиш ишлари кенг авж олди. Шу бинолардан баъзилари бизгача етиб келган. Қурилган мадраса ва мачитлар уша даврда қурилиш ишлари қай даражада бўлганлигини курсатди. Бу бинолар уларни қуришда, безаш ва пардозлашда иштирок этган турли касб мутахассисларининг маҳоратидан далолат беради.

XVI асрда барпо қилинган бинолардан бири Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон) мадрасаси ҳисобланади. Мазкур ҳашаматли бино турли касб эгалари меҳнатини ўзида мужассам этган. Кўкалдош мадрасасининг барпо этилиши Бароқхоннинг ўғли Дарвишон ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Мадрасанинг 170 та ҳужраси бўлган.

23 қаватли «Москва» меҳмонхонасининг қаршисига жойлашган Кўкалдош мадрасаси бугунги кунда ҳозирги замон гузал қурилишлари билан биргаликда шаҳар ҳуснига-ҳусн қушиб туради.

Бугунги кунда Шайхонтоҳур номи билан маълум булган Шайх Хованди Тоҳур мақбараси XIV асрда қурилган ва кейинчалик бошқа мақбаралар ҳисобига кенгайиб борган. Мазкур меморчилик ансамблида Шайх Хованди Тоҳур мақбарасидан жануброққа жойлашган Юнусхон мақбараси (1487 йили вафот этган) алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг гумбазли биноси пишиқ ғишт ва тошдан қурилган. Кучли зилзилалар туфайли мақбара шикастланган. Бугунги кунда мазкур мақбара

тикланган. Шу ерда пишиқ ғиштдан қурилган мадраса ва мачит ҳам булган.

Ҳозирги Самарқанд дарвозада Нуриддин ибн Сайд Мұхаммад Хұжа (1511 йили вафот этган) мақбараси қурилган.

Сүнгги вақтларгача Қоратош күчасида сақланиб келган ҳаммолом қолдиқлари ўша давр қурилиш техникаси ва биноларни бадийй безаш даражасидан далолат беради. Мутахассисларнинг аниқлашича, иссиқлик ўтказувчи каналларнинг ҳаддан ташқари баландлиги бу ҳаммоломнинг ўзига хос хусусияти экан. Ҳаммоломнинг деворлари ва таги махсус қоришка билан сувалган. Үртасида ҳовузи бўлган, бурчакдаги юмaloқ хона аҳоли фойдаланиши учун қурилган биноларнинг қизиқарли деталларидан ҳисобланади. Ечиниш ва дам олиш хоналарининг супалари, деворлари ранг-баранг сопол плиталар билан қопланган эди. Мазкур ёдгорлик қолдиқларини ўрганган археолог олим М. И. Филановичнинг фикрига кура, ҳаммолом «... тор доирадаги кишилар учун мўлжалланган булиб, XV—XVIII асрлардаги Тошкент сарой арки бинолари қаторига кирган»²⁴.

Ҳашаматли маданий ва замонавий бинолар, ҳаммоллар, сардоба ва кўприклар қурувчи усталар томонидан бунёд этилган XV—XVI асрлардаги меъморлик ёдгорликлар номлари йўқ булиб кетган тошкентлик қурувчи усталарнинг юксак маҳоратидан далолат беради. Бизгача моҳир меъморларнинг баъзиларининг гина номлари етиб келган.

XVI асрда суғориш каналларини тузатиш ва янгиларини барпо этиш бўйича ишлар давом эттирилган. Бадриддин Кашмирий: «1583 йили Жўйбор шайхнинг фармонига мувофиқ Тошкентнинг шимолий шарқидаги Захариқ суғориш канали қайта тикланди. Канални тиклаш ишларида 300 нафарга яқин қуллар қатнашди»²⁵, — деб ёзган эди.

Тошкентда барпо этилган ҳашаматли бинолар моҳир усталарнинг маҳаллий анъаналари мавжуд эканлигидан далолат беради: «Урта Осиё жанубий областлари усталарининг мактаби (Шимолий Хурросон, Тоҳаристон, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент,

²⁴ Қаранг: Филанович М. И. Новое в средневековой городской культуре Ташкента. ОНУ, 1982, № 3, с. 39.

²⁵ Бадриддин Кашмирий. Равзат ар-ризвон. УзССР ФАШИ қўллэзмаси, Ишв. № 2094, 304 б — 305 а-варақлар.

Фарғона, Хоразм, Туркистоннинг шимолий вилоятлари) ўз даври меъморчилигини ранг-баранг қилди»...²⁶.

Шаҳар аҳолиси асосан пахса уйларда истиқомат қиласди. Шу билан бирга, моддий аҳволи оғир оиласлар шахсий уйлари бўлмаганлиги учун бойларга тегишли уйларни ижарага олиб яшашга мажбур эдилар. Жўйбор шайхлари архивидаги ҳужжатлардан куринишича, баъзи бир йирик феодаллар турар жойларнинг кўпгина қисмини ўз қўлларига олиб, аҳолига ижарага бериш йўли билан даромад олганлар. Ўзига тўқроқ хонадонларнинг шахсий уйлари, томорқа ва ҳовлилари бўлган. Мана шундай олди айвонли уй ҳовлисидағи барча ёрдамчи иморатлари билан чодир қуриш учун ёғоч устунлар тайёрлайдиган тошкентлик устага қарашли бўлган. Бу уй 1590 йили 26 янги, бир мисқолли, ўттиз динорли, кумушдан зарб килинган хон тангасига сотилган²⁷.

Бундан куринадики, ҳовли-жой олди-сотдиси қозиҳоналарда, гувоҳлар иштирокида амалга оширилган. Олди-сотди ҳақидаги ҳужжат қози муҳри билан тасдиқланган.

Қадимдан Тошкентда тўқимачилик саноати ривожланган булиб, у маҳаллий пахтага асосланган эди. Ипгазлама матоларнинг баъзи турлари кўплаб миқдорда шаҳар ташқарисида, айниқса, кўчманчилар яшайдиган чўлларда, Россия шаҳарларида сотилган.

XVI асрдан бошлаб рус ҳукумати билан Ўрта Осиё шаҳарлари уртасида иқтисодий алоқалар кучайиб борди.

XX аср бошларида Тошкентда ёзув қофози ишлаб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Жумладан, савдогар Аҳмадга қарашли қофоз ишлаб чиқариш устахонасида йигирмага яқин ишчи ишлаган. XV—XVI асрларда жуда яхши қофоз Самарқандда ишлаб чиқилганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учрайди. Лекин ўша даврларда Тошкентда қофоз ишлаб чиқарилганлиги ҳали аниқланмаган.

Тошкентда қадим замонлардан бери металлсозлик ривожланган эди. Мисгарлар тайёрлаган маҳсулотлар турли-туман эди. Айниқса Тошкентда қуйилган қозонларнинг донғи узоқларга кетган эди. XX асргача сақланиб келган дегрезлик маҳалласи, айтиш мумкинки, ўрта асрларда ҳам маълум бўлган бўлса керак.

²⁶ Қаранг: Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии, М., 1982, с. 36.

²⁷ Мажмуан васоиқ, 174 б-варақ.

Бу ерда қишлоқ хужалик мөхнат қуроллари ишлаб чиқилган. Маҳаллий кетмөнлар узининг катталиги ва дамининг ўткирлиги билан, масалан, Фарғона водийсида тайёрланган кетмөнлардан фарқ қилган. Металл буюмлар ишлаш учун хом ашё Тошкент вилоятидаги тоғлардан келтирилган. Зайниддин Восифийнинг Тошкент вилоятининг темир ва чўян конлари ҳақидаги маълумотлари дикқатга сазовордир.

Захириддин Мұхаммад Бобур ёзишича, XVI асрда Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг маҳорати бутун вилоятга тарқалган экан. Уша вақтларда камон ва камон ўқи ясаш маҳорати жуда қадрланган. Бобур ўзининг амакиваччаси машҳур тарихчи Мұхаммад Хайдарнинг қобилиятини баҳолаб: «Хаттоликка, расм солишга, камон, камон ўқининг тиғи ва камонни тортиш учун халқа ясашга моҳир эди»²⁸, — деб ёзади. Патли ва патсиз камон ўклари қайд қилиб утилади. Ўқчи куча номи эҳтимол қадим-қадимлардан маълум бўлган бўлса керак. Ўтмишда бу ерда камон ўқи ясайдиган усталар яшаганлигидан бу куча шундай аталган бўлиши мумкин.

1590 йил 20 майда тузилган ҳужжатда уста Абул Хиргоҳтарош номи қайд қилинган. Марҳум К. Убайдуллаев ва А. Расуловларнинг фикрига кўра, хиргоҳтарошлар юқори табақа вакиллари чодирларининг устунларини ясайдиган мутахассислар бўлган. Бундай чодирларнинг деворлари икки хил мато — ички томондан шойи мато, ташқарисидан брезентга ўхшаш дағал мато билан ўралган. Бундай чодирлар ўтроқ аҳоли зодагонлари овга, дам олишга чиққанларида, узоқ муддатли ҳарбий юриш қилганларида тайёрланган бўлиши мумкин.

Тошкентда кулолчилик ҳам ривожланган. Кўплаб усталар яшаганлар ва ишлаганлар. Тадқиқотчи-археолог олимларимиз Кўкалдош мадрасаси ва Шайхонтохур даҳасида археологик қазишлар жараёнида тошкентлик кулоллар тайёрлаган маҳсулотлардан кўплаб намуналар топганлар.

Ҳунармандларнинг маълум қисми терига ошлов бериб, ундан маҳсулотлар, айниқса пояфзаллар тайёрлаганлар. От терисидан баланд эгар ва чармдан турли буюмлар тайёрлаб четга чиқарганлар.

Кон ишчилари жуда оғир шароитларда мөхнат қилганлар. Уларнинг иши оғир ва машаққатли эди. Кон-

²⁸ Бобурнома, 21-бет.

лардан келган фойда айрим шахсларнинг ҳамёнига тушарди. Зайниддин Восифий Навруз Аҳмадхон Тошкент вилоятининг йирик руҳонийси Шамсиддин Муҳаммад Хурасонийга кон ва ишланмаган ерлар ҳадя қилганини ёзади. Бу мисол фойдални қазилма бойликлардан фойдаланишда марказлашган усул йўқлигидан, шунингдек кон қазувчилар устидан бутун фойданни ҳамёнига соластган шахслар ҳукмронлик қилишидан далолат беради.

А. А. Семёнов қайд қилганидек, Тошкентда жуда катта мис растаси (бозори) бўлган. Эҳтимол, бу раста XV—XVI асрларда ҳам мавжуд бўлган бўлса керак. Тошкент яқинидаги тоғлардан қазиб олинган мисдан мис буюмлар қўйилган. Феодалларнинг ўзаро жанжаллари бўлган йилларда мис қазиб олиш ишлари бошқа конлардагидек тўхтаб қоларди.

Тошкентнинг мис растасида усталар мис идишлар тайёрлаб, сотар эдилар. Шунингдек, А. А. Семёновнинг маълумотларига кура, мазкур растада бошқа шаҳарларда тайёрланган мис буюмлари ҳам сотилган. Пул майдалайдиган саррофлар учун катта-кичик косалар сотилганлиги қайд қилинган. Бундай косаларнинг зиҳига араб тилида турли байтлар битилган. Одатда катта косаларга чақа ва кумуш тангалар, кичик косаларга эса олтин тангалар солинган.

Мисгарлар сув ва шароб ичиш учун офтоба тайёрлаганлар. Зарб қилувчилар мазкур идишларни турли туман нақшлар ва ёзувлар билан безагилар.

Мисгар усталарнинг юксак санъат билан ўйиб нақш солган буюмлари фақат музейлардагина сақланиб қолган булиб, улар бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратга солади.

Тошкентнинг турли чеккаларидаги тош конларидан мармар қазиб олганлар. Мармардан хўжалик учун буюмлар, ҳатто лаганлар, табибчиликда фойдаланиш учун идишлар ҳам ясаганлар.

Амалий санъат: металл ва тошга ўйиб нақш солиш, чармга босиб нақш солиш, папье-машени расмлар солиб буяш жуда ҳам ривожланган. Ҳаттотнинг меҳнати жуда қадрланган. Қаламдон, қамишдан ясалган қалам, нафис ишланган сиёҳдон ҳаттотларнинг ёзуви учун зарур асбоблар ҳисобланган. Буни Ўрта Осиёда битилган қулёзмаларга ишланган расмларда ҳам куриш мумкин.

Одатда аслзодалар учун тайёрланган сиёҳдонларга олтин суви билан нақш чизилган. Қаламдонлар папье-

машедан қилиниб, мүйқалам билан расмлар чизилган.

Шаҳар чеккасида ва атрофида тегирмон ва жувозхоналар жойлашган. XIX асрнинг охирларига келиб Тошкентда 500 та жувозхона ишлаб турган.

Шаҳарда кўплаб бозорлар булиб, бу ерларга қушни вилоятлардан кишилар олди-сотди ишлари учун келганлар. Баъзан бундай муносабатлар бозор номида ўз аксини топган. Масалан, Қозоқ бозор. Бу бозорда асосан кўчманчилар тайёрлаган маҳсулотлар сотилган. Кўчманчилар бозорда қўй, туя, от ва чорвачилик маҳсулотлари, хуржун ҳамда чорвадорлар буюмларини сотганлар.

Тошкент шаҳрининг энг катта бозори тахминан ҳозирги Октябрь бозори жойлашган ерда бўлган. Шайхонтоҳурда талайгина дўконлар бўлган.

Тошкентдан қўшни вилоятларга турли-туман моллар чиқарилган. Маҳмуд ибн Вали Тошкентдан XVII асрда олиб кетилган моллар орасида қора тариқ, дармон (дори), новшадил, мўйна, шунингдек асиirlар бўлганини қайд қилиб утади.

Тошкентлик тўқувчилар маҳаллий пахтадан тайёрланган ипдан фойдаланганлар. Айрим мутахассислар маълумотларига кўра, Тошкентга ипак ҳам келтирилган. Биз Тошкентда XVI асрда ипакчиликнинг ривожланишига оид маълумотларга эга эмасмиз. Фақат бу даврда пахта ва ипакдан ҳар хил матолар тўқилган деб ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Усталарнинг ҳунармандлик маҳорати наслдан-наслга утиб келган. Шу билан бирга, четдан ҳам шогирд тайёрлашган. Бундай ҳолларда ёзма шартнома тузишган. Бизгача Самарқандда 1589—1590 йилларда расмийлаштирилган шундай шартномалардан 25 таси етиб келган. Тошкент шаҳрида ҳам шогирдликка четдан одам қабул қилинганда шундай шартномалар тузилган. Олди-сотдиларни расмийлаштирган Тошкент қозиси томонидан берилган ҳужжат ҳам шундан далолат беради. «Гувоҳлар курсатмали» протоколи Тошкент қозиси иштирокида 1514 йил 24 июнда «Гўзал Тошкент қозиси иштирокида»²⁹ тузилган эди.

Шогирдлик шартномасида баён қилинишича, устага шогирдликка берилаётган кўпчилик болалар отаси йўқ, етим болалар бўлганлиги учун шартнома болаларнинг онаси ёки акаси ва шогирдликка олаётган уста ўртасида тузилган. Ҳунармандлар ҳақидаги рисо-

²⁹ Самарқандские документы XV—XVI вв. с. 300—301.

лалар етим шогирдларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий аҳволи қанчалик оғирлигидан далолат беради.

Ҳунармандлар ўз касбларига кўра цехларга бирлашардилар. Зайнiddин Восифий асарида Ҳусайн тикувчига бош тикувчи лавозимиға тайинланганлиги ҳақидаги нишон келтирилган. Ҳусайн тикувчи берилган нишонга мувофиқ шаҳарда ва Шоҳрухия вилоятида бош тикувчи деб тан олиниши, унга шу соҳада ишлайдиган барча усталар итоат қилиши керак эди.

Юқорида келтирилган мисолни Шоҳрухиядан унча узоқда бўлмаган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан у билан узвий боғлиқ бўлган Тошкент шаҳрига ҳам тегишли деб ўйлаймиз. Албатта, бу даврда Тошкентда ҳунармандлар ўз касбларига кўра ишбоши бошчилик қилган цехларга уюшганлар. Тошкент шаҳрининг ишбошисига шаҳарга ёндашган вилоятлардаги ҳунармандлар ҳам итоат этган.

Мисол келтирилган ҳужжатда тикувчилар цехининг икки ишбошини, яъни Ҳусайн тикувчи ва Али тикувчи номлари келтирилган.

Тошкент ҳунармандларининг бу даврдаги ҳолати ва улар ўртасидаги ижтимоий табақаланишга оид аниқ маълумотлар камлиги туфайли биз ҳунармандлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун хийла кейинги даврга, шунингдек Бухоро ва Самарқандга оид аниқ маълумотларга мурожаат этдик. Чунончи, сиёсий низолар, барқарор бўлмаган иқтисодий ривожланиш ҳамда феодал урушлари туфайли XV асрнинг охирлари ва XVI—XVII асрларда Бухоро ва Самарқанднинг куплаб ҳунармандлари хонавайрон бўлганлар. Кўплаб расмий ҳужжатлар шундан далолат беради. Тошкентда ҳам аҳвол шундан фарқ қилмаган бўлса керак.

Бухоро ва Самарқандда тузилган ҳужжатлар Ўрта Осиё шахарларида дўкон-устахона ва уй-жойларни гаровга қўйиш кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Расмий ҳужжатларда қайд қилинишича, сердаромад дўконларнинг куплари олдинги хўжайинларининг «узил-кесил сотишлари» туфайли йирик феодаллар қўлига ўтиб кетган эди. Гап шундаки, одатда олди-сотти ишларида мазкур жой узил-кесил сотилганлигини ёки гаровга қўйилгану сотилмаганлиги курсатилади. Бунга Тошкентда олди айвонли турар жойдан иборат ҳовли «узил-кесил сотилганлиги» ҳақида 1590 йили қозихонада берилган ҳужжат мисол бўла олади. Ҳақиқатда эса, бу икки ҳолат ҳам даромадли корхоналарни дин

ва феодалларнинг йирик вакиллари қулига ўтишидан далолат беради.

«Мажмуаи васонқ» тўпламидаги ҳужжатларга кура 1588—1591 йилларда Самарқанд шахрида куплаб устахона ва кичик дўконлар гаровга қўйилган. Шаҳар ҳовлиси ва устахонаси, шаҳар чеккасида боғи ва ҳосилдор ери бўлган хўжаликлар фақат оз сонли бой усталарда бўлган.

Хунармандлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ягона синф бўлмай, бир неча группаларга бўлинган эдилар. Уларнинг баъзилари ўз дўкон-устахоналарига эга бўлиб, бир вақтнинг узида савдо билан ҳам шуғулланганлар. Хунармандларнинг бу тонфаси майдада хунармандларнинг бошқа табақасига нисбатан яхшироқ яшаганлар. Дўконлари бўлмаган ҳунармандлар ўз маҳсулотларини сотиш имконига эга бўлмаганликлари туфайли уни дўкони бўлган ҳунармандларга беришга мажбур эдилар. Бошқа бир ҳунарманд эса бирорларнинг дўконини ижарага олиб, ўз маҳсулотларини сотиб ижара ҳақи тулаган. На устахона, на дўкони бўлмаган ҳунармандлар ҳам бўлган. Улар хўжайин уйида яшаб, унинг устахонасида ишлаб, ўз меҳнатлари эвазига арзимас ҳақ, баъзиди фақатгина озиқ-овқат ва кийим-кечак олганлар. Айниқса шогирдларнинг аҳволи жуда аянчли эди. XVI асрнинг охиirlарига тегишли Самарқанд шаҳрига оид ҳужжатларнинг далолат беришича, шогирдликка одатда ота-опаси йўқ етим болалар олинган.

Шогирдликка олинаётган вақтда тузиладиган шартномада шогирдлик муддати курсатилган. Амалда эса шогирдлар дастлабки йиллари устанинг хўжалик ишлари билан машғул бўлар, югурдалик қиласди. Орадан кўп йиллар утгандан кейингина у ҳунар урганарди. Шунда ҳам уста ўз шогирдига ҳунарнинг баъзи сирларини ўргатмасди. Шогирд уста бўлганидан сўнг ўз соҳаси буйича иш бошлашдан олдин ўз устасини ва цех оқсоқолини зиёфатга чақириб, уларга муносиб равишда совғалар бериб, фотиҳа олиши керак эди. Мана шундай сабаблар шогирд баъзан устасидан ҳам яхши ишласада, устанинг уйида унга ёрдамчи бўлиб пашлашга мажбур этарди. Бунинг устига цех оқсоқолидан рухсатнома бўлгандагина устахона очиш мумкин бўларди. Лекин бундай омад ҳамма шогирдларга ҳам насиб этавермасди.

Ҳунармандларнинг асосий қисми ўз мутахассисликлари буйича маҳсус маҳаллаларда яшаганлар. Бизгача

етиб келган ана шундай маҳалла номларидан қўйида-
гиларни келтириш мумкин: Дегрез маҳалла, Кулолга-
рон, Заргарлик, Махсиёз, Пичоқчи, Парчабоф, Тақа-
чи, Темирчи, Чархчи, Ўқчи ва ҳ. к.

Феодал тузумида ишлаб чиқариш муносабатлари-
нинг анъанавийлигини ҳамда утган асрда қандай бўл-
са асосан шундайлигича XIX асргача сақланиб қолган
маҳаллаларни ҳисобга олиб, Тошкентда неча юз йил-
лар давомида ҳунармандлар табақасининг ўз ихтисоси
бўйича табақаланиши сақланиб келган дейиш мумкин.

Шаҳарда камбағал аҳоли ҳам кўп бўлган.

Иирик савдогарлар Тошкент аҳолисининг маълум
қисмини ташкил этардилар. Улар кутара савдо билан
шуғулланиб, бошқа шаҳарлар ва ҳатто, мамлакатлар
билин савдо-сотиқ ишларини олиб борадилар. «Са-
марқанд дарвоза», «Сайрам йули», «Ўртасарой йули»-
га ухшаш номлар XV—XVI асрларга оид ҳужжат ва
тариҳий асарларда учрайди ҳамда Тошкент шаҳрининг
халқаро алоқаларидан далолат беради. Ҳунармандчи-
лик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган кар-
вонлар Тошкентдан узоқ-узоқларга йўл олган. Тошкент
орқали транзит юклар ҳам жўнатилган.

Иирик савдогарлар муҳофаза ёрлиғи билан таъ-
минланган эдилар. Катта савдогарлар эса мазкур
ҳукмронга тобе бўлган вилоятлар, мамлакатларда кўп-
лаб савдо солиқларидан озод этувчи тархон ёрлиғига
(имтиёзлар берилганлигини курсатувчи ҳужжатга) эга
эдилар. Бундай имтиёзларга эга бўлган савдогарлар
давлат бошлиғи — ҳукмронга қимматбаҳо совғалар
инъом этардилар.

Шаҳарга келган савдогарлар карвонсаройларга ту-
шардилар. Карвонсаройлар савдо йўлларида ҳам бор
эди. Тошкентдан тоғларга борадиган йўл устида
тош девор билан уралган карвонсарой жойлашган эди.

Тошкентда Ўрта Осиёning бошқа иирик шаҳарла-
ридаги каби руҳонийлар катта роль уйнаганилар. Ша-
ҳардаги мулкларнинг кўпгина қисми руҳонийларга
тегишли эди. Шаҳар дуконларининг, карвонсаройлари-
нинг, устахона, тегирмоннинг талайгина қисми XVI—
XVII асрларда вақф муассасаларига тегишли бўлиб,
улардан олинадиган фойда ҳисобига мутавалли ва
мударрислар бойиган.

Шунинг учун Тошкент ҳукмдорлари ўз мавқеларини
янада мустаҳкамлаш учун руҳонийлар вакилларини
фаол қўллаб-қувватлаганликлари ҳеч ажабланарли
ҳол эмас. Мана бир неча мисол. Суюнчхўжа сulton-

нинг 1522 йил 25 июль фармонига мувофиқ, Сайид Фозил Алига ов қилиб юрган вақтида ов қуши ўтирган жойгача оти ва итлари билан узга ерларни паймол қилиб бориш ҳуқуқи берилган. Султонлар, беклар ва давлат амалдорларидан бирортасининг қаршилик кўрсатишга ҳаққи йўқ эди³⁰. Албатта, бундан биринчи навбатда оддий халқ азоб чеккан.

Бошқа бир ҳужжатда Сайид Фозил Али, унинг ўғли Сайид Гүё Мұхаммад ва невараси Сайид Зоҳидга Караскон, Адақ, Гавхона ва Қизилработ ерлари суюрғол ҳамда дарубаст ҳуқуқи асосида берилганлиги, шу ерлардан олинадиган ҳамма солиқлар сайидларнинг ҳазинасига тушиши қайд этилган. Бошқа фармонларда ёзилишича, Ахсикент вилоятидан тупланган 12 минг олтин динорни Тошкент ҳокими, кейинчалик Самарқанд тахтига ўтирган ва ўзбек хони унвонига эга бўлган Навruz Аҳмад султон номлари юқорида зикр этилган сайидларга инъом этиб юборади. Сайидларнинг бундай ҳуқуқлари Навruz Аҳмаднинг ўғли Тошкент ҳокими Султон Мұхаммад Дарвиш томонидан ҳам муҳофаза қилинган³¹.

Тошкент ҳокимлари сайидларга берган фармонларга мувофиқ, Тошкент ҳокимининг вакиллари сайидларга тобе бўлган аҳолини черикиён, мардикор ва бошқа мажбурий ишларни бажаришга мажбур қила олмас, улардан ноғорачи ва наърачи фойдасига солиқ олмас эдилар. Солиқларнинг ҳаммаси сайидлар ҳазинасига тушиши лозим эди. Сайид Фозил Али ва унинг авлод-аждодлари уз солиқ йиғувчиларига эга бўлганлар.

Сайид Фозил Али ва унинг авлодига ҳадя қилинган ерларда яшовчи деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги сайидларга қарам бўлган ерлардаги қочоқ деҳқонларни қидириб топиш ва куч ишлатиб уларни эски жойига қайтариш мумкинлигини исботларди.

Афсунгар — йадачилар жамият ҳаётида маълум роль ўйнардилар. Улар «афсун ўқиб, ёмғир ёғдириш қобилиятига эгамиз», деб даъво қилар эдилар. Айни вақтда, улар касалларни даволаши ҳам мумкин эди. Юқори табақа вакиллари учун Тошкент чеккасидаги Кайковус боғида маҳсус шифохона қурилган эди. Тошкент ҳокимига тобе бўлган ерлардаги аҳолидан афсунгар — йадачилар учун маҳсус «йадачи» солиғи ундирилган.

³⁰ Жувонмардиев А. XVI—XIX асрларда Фарғонада ерсув масалаларига доир. Тошкент, 1965, 75-бет.

³¹ Жувонмардиев А. Кўрсатилган асар, 92—93-бетлар.

Тошкентнинг йирик руҳонийлари ҳам деҳқончилик, ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланар эдилар. Айни замонда, деҳқон ва савдогар, ички ва ташқи савдода фаол иштирок этадиганлардан бири — Хўжа Убайдулла Аҳорнинг авлодлари — шайхлар ҳисобланган. Бу шайхлар орасидан давлат ишларига ҳам ўз таъсирини курсата оладиган айрим шахслар етишиб чиққая. Шундайлардан бири жуда кенг ерларга эга бўлган ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб бораётган Хўжа Аҳорнинг ўзи эди. Хўжа Аҳорнинг ерлари Тошкентдан ташқари яна Чирчиқ водийсида ҳам бор эди.

Тошкент областида ерларнинг маълум қисми бошқа йирик руҳоний Хўжа Саъд Жўйборийга тегишли эди.

XV аср охири — XVI асрда руҳонийларнинг таъсири жуда кучайган эди. Бунга юқорида қайд қилиб ўтилган мадраса ва мачитларнинг шу даврда куплаб қурилиши далолат беради. Руҳоний феодаллар мавқенинг кучайиши вақф мулки кўпайишида ҳам ўз аксини топди.

Тошкент ва Тошкент вилояти ерларининг, савдо-хунармандчилик сингари фойда келтирадиган муассасаларнинг маълум қисми вақф муассасаларига қарашли эди.

XV асрининг охирларида Хўжа Аҳор жоме мачити ва маҳалла мачитлари, шунингдек Тошкент мадрасаси фойдасига вақф таъсис этди. Хўжа Убайдулла Аҳор номидан 1490 йил 20 февралда тузилган вақф ҳужжати Тошкент вилоятида жойлашган ер ва қишлоқларга эгалик қилиш ҳақидаги куплаб «амлок»лардан иборат эди. Хўжа Аҳор Тошкент мачит ва мадрасалари ҳисобига ҳадя қилган мол-мулклар вақф Фармонида мачит ва мадраса мутаваллиси, яъни бутун бойликларни тақсимловчи шахс фақат Хўжа Аҳорнинг икки ўғли авлодлари булиши, бошқача қилиб айтганда, вақф ҳужалиги ишларини юритиш ва фойданинг маълум қисмини абадул-абад Хўжа Аҳор авлодларига бириклиши кўрсатиб ўтилган эди.

Дарҳақиқат, одатда мутавалли вақф ҳужалик мулкининг тұла ҳұжайнини ҳисобланиб, вақф ерларидан вақф Фармонида кўрсатилганга нисбатан бир неча баробар кўпроқ даромадга эга эди.

Хўжа Убайдулла Аҳорга қарашли ерлар орасида Салор канали буйлаб жойлашган Қорасув ва Оққўргон ерлари ҳам бўлган.

XV—XVII асрларга оид вақф ерлари миқдори ҳақи-
даги маълумот аниқланмаган. Лекин 1896 йил маълу-
мотларига кура, Тошкент мадрасаларига тегишли ер-
ларнинг майдони 6615 таноб бўлган³².

Умуман олганда, бу даврга келиб шаҳар аҳолиси
икки табақага, яъни феодал ва бой шаҳарликлар ҳам-
да эксплуатация қилинувчилар бўлиб, уларнинг асоси-
ни ҳунармандлар ва майда савдогарлар ташкил этган.

XV аср охири—XVI асрда фан соҳасида ва уму-
ман Тошкентнинг маданий ҳаётида маълум силжишлар
кузга ташланади. Юқорида қайд қилиб ўтилган ҳаша-
матли бинолар, уларнинг осмонупар гумбазларини,
миноралар катталигини ҳисоблаш уларни барпо этиш-
нинг техник усулларини биладиган меъморлар фао-
лияти билан боғлиқ эди. Мана шундай қули гул уста-
ларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Биз фақат
имом Қаффол Шоший макбарасини тиклаш ишларига
бошчилик қилган Фулом Ҳусайн устанинг номинигина
биламиз, холос.

XVI асрнинг 20—30-йилларида Тошкентдаги ада-
биёт, шеърият ва санъат ҳақида биз асосан, Зайниддин
Восифийнинг асарларидан маълумотлар оламиз. Ёзув-
чи бизга шаҳарнинг маданий ҳаёти, олимларнинг, мўй-
қалам соҳиблари ва адабиёт арбобларининг ижодий
алоқалари ҳақида бебаҳо маълумотлар қолдирган.
Шаҳарнинг илм аҳли қатнашган анжуман ҳақида Зайн-
иддин Восифий қуйидагича ёзади: «Кунлардан бир
кун Тошкентнинг олим, шоир ва ўқимишли кишилари-
нинг купгинаси Кайковус боғида тўпланишди...».

Тошкент Самарқанд, Бухоро, Шоҳрухия ва Ҳирот
сингари маданий марказлар билан яқиндан узвий ало-
қа боғлаган.

Тошкентнинг Кайковус боғида ҳамда Лаклаконда
ўтказиладиган адабий кечаларда шоирлар мушоираси,
аскиячилар беллашуви ўтказиларди. Бундай кечаларда
фақат Тошкентдан эмас, балки бошқа шаҳарлардан
ҳам шоирлар, олимлар, аскиячилар тўпланаарди. Са-
марқанд ва Тошкентга келгунга қадар Ҳирот аристо-
кратиясининг энг нозик адабий кечаларида бир неча
маротаба фахрли меҳмон бўлган шоир ва тарихчи
Зайниддин Восифий Тошкентда ўтказилган адабий ке-
чаларда фаол иштирок этарди.

Зайниддин Восифий бундай кечаларда машҳур
шоир ва ёзувчилар, олимлар ҳақидаги маълумотлар

³² ЦГА УзССР., ф. и. 36, оп. 1, ед. хр. 2819, л. 216.

билан тез-тез чиқиб турар, Алишер Навоий ҳақидаги ҳикоя ва афсоналарни гапириб берарди. Бу борада Восифийнинг маълумоти диққатга сазовордир. Адабий кечакатнашчилари Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишиланган барча маълумотларни синчиклаб ёзиб боришар экан. Шу ернинг узида Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарини, Абдураҳмон Жомий ва бошқа муаллифларнинг классик асарларини овоз чиқариб ўқишиган. Буларнинг ҳаммаси уша вақтларда Тошкентда адабиёт ўз даврига нисбатан юқори эканлигидан, маҳаллий адабиётчилар давраси Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ҳамда бошқа шаҳарлар адабий анъаналарини давом эттираётганинига муносиб ҳисса қўшганликларидан далолат беради.

Бундай кечаларни бошқарган Тошкент ҳокими Келди Муҳаммадга мўйқалам соҳиблари ва хаттоллар ўз асарларини совға қилишга мажбур эди. 1521 йилнинг сентябрь ойида миниатюрачи рассом Жамолиддин Юсуф Келди Муҳаммадга қуролланган басавлат йигитнинг йўлбарсга найза санчаётган вақти тасвирланган расмини, яна Ришадиддин Абул Махосин деган бир одамнинг ҳажвий расмини совға қиласи. Зайниддин Восифий қайд этишича, Тошкент ҳокимида бу расм яхши таассурот уйғотган.

Тошкентда хаттоллар санъати алоҳида қадрланган. Восифий хабар беришича, котиб Обид хаттот Тошкент ҳукмдори Келди Муҳаммадга машҳур котиблар дастхати туширилган альбомни совға қиласи.

1525 йилда Самарқанд, Бухоро ва Тошкентнинг ўқимишли кишилари кўплаб тўпланган тантанали шароитда амир сайид Жалолиддин Марғилоний Абдулвосит Жабалий қасидасига ёзган жавобини Келди Муҳаммадга совға қиласи. Бу Ўрта Осиёning Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари адабий давраси ургасидаги алоқаларни кўреатувчи далилларидир.

Шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий Тошкентда булган-булмаганилиги иоаниқ эди. Унинг ўз қули билан ёзган хатидан Абдураҳмон Жомий Тошкентда булган деган хulosага келинди. Шоир Мовароуннаҳрга учинчи маротаба бораётганида, Фороб орқали Тошкентга келаётганида от устида утириб хат ёзган (эҳтимол, бу хат Алишер Навоийга йўллангандир). Мазкур хат «Навоий альбоми»дан урин олган.

Абдураҳмон Жомий 1479 йил 13 июлда Тошкентга

етиб келган³³. У Тошкентда Хўжа Аҳрор мадрасаси ва мачитида бўлган. Зайниддин Восифий келтирган маълумотлардан Абдураҳмон Жомийнинг ташқи қиёфасини тасаввур қилиш мумкин. Шоир «ўрта бўйли, қора, қотмадан келган» экан.

Тошкентда XX асрга қадар Ҳофиз Куйки номли маҳалла сақланиб келган эди. Бу маҳалланинг номи Ҳофиз Куйки билан боғлиқ бўлган. Унинг отаси Ҳофиз Кўҳакий ҳам «Алломаи Ҳофиз Тошкандий» номи билан машҳур бўлган³⁴. Ўз даврининг машҳур олими Улуғбекнинг сафдоши Али Қушчининг невараиси эди. Шайбонийлар давлатидан Хиндистонга борган элчилар орасида Ҳофиз Кўҳакий ҳам бўлган.

Тошкентда 1625—1626 йиллар мобайнида тарихчи ва ҳоким «Шажараи турк» асарининг муаллифи Абулғозихон яшаган.

Суюнчхўжа султон, кейинчалик унинг ўғли (1540—1551 йиллардан) Самарқанд ҳукмрони Абдуллатифнинг котиби тарихий асар ҳисобланган «Тарихи Абулхайрхон» муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний бўлганлиги ўша давр шаҳар маълум доирасининг маданий даражаси нисбатан юқори бўлганлигидан далолат беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Тошкентда бўлган. Бобур шаҳар ва унга туташган районлар, у ерларда яшаган халқлар, уларнинг қурол-аслаҳалари, кийим-кечаклари хақида қисқа, лекин бебаҳо маълумотлар қолдирган.

XVI аср бошларида яшаб ижод этган муаллифларнинг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, узбек тилида яратилган, автори номаълум «Тавориҳи гузидай нусратнома»нинг муаллифи, машҳур узбек шоири ва тарихчиси Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийхон саройидаги бошқа шоиrlар Тошкентда бўлганлар. «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар ҳам Тошкентда туғилган.

Юқорида келтирилган барча мисоллар бевосита ёки билвосита ўз асарларида Тошкент тарихи ҳақида маълумот берган муаллифлар шаҳарда бўлган, узи курган нарсаларни ёки XVI асрда Тошкентда маданий қатлам

³³ Қаранг: Письма-автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Навои», Ташкент, 1982, с. 67, 136, примечание № 116.

³⁴ Муниров К., Ирисов А., Насыров А. Некоторые сведения об ученых и поэтах Ташкента X—XIX веков. ОНУ, 1983, № 9, с. 23—24.

вужудга келганилигининг гувоҳи булган кишилардан эшитиб ёзганликларидан далолат беради.

Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим фарзандлари Тошкент ҳокими Суюнчхўжа султон, унинг катта акаси — Шайбонийлар давлатининг олий ҳукмдори Кучкунчихон ўз даврига нисбатан яхши маълумот олишган. Кучкунчихон, Суюнчхўжа султон ва унинг ўғли Келди Муҳаммадларнинг номи фақатгина Шайбонийлар династиясининг, ҳукмдор ва феодал эксплуататорларнинг вакили сифатидагина эмас, балки адабиёт, тарих ва санъат ҳомийлари сифатида ҳам тарихдан маълум урин олдилар.

Лекин Тошкент ҳукмдорлари шоир ва ёзувчиларни шафқатсиз оёқ ости қилганлар. Ҳатто Зайниддин Восифий Келди Муҳаммаднинг фармонига биноан Самарқандни ташлаб Тошкентга келишга мажбур булган.

Биз ҳикоя килаётган Тошкент тарихида адабий ҳаётда ўзбек тилининг роли ошганлиги яққол кўзга ташланади. Келди Муҳаммад фармонига мувофиқ, сарой тарихчиси Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллохий «Зубдат ал-асар» китобини ёзган. Шу йилларда бир қанча асарлар форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Кейинчалик Суюнчхўжа султонининг ўғли Наврӯз Аҳмадхон учун Саъдийнинг «Бустон» асари қайта кучирилган.

Тошкент ҳукмдорлари бир қанча расмий ҳужжатларни ўзбек тилида тузганлар. Ҳосилнинг маълум миқдорини давлат хазинасига ўз вақтида ажратиш ҳақида берилган фармонлардан бирида: «Ушбу фармон ўзбек тилида берилганлигини ҳеч ким сабаб қилиб курсатмасин», дейилган. Наврӯз Аҳмадхон номидан у Тошкентда ҳукмронлик қилган вақтида эълон қилинган фармонлар ҳам ўзбек тилининг шаклланишида маълум қизиқиш уйғотади.

XVI асрда Самарқанд ва Бухорода давлат юритиш ишлари форс тилида олиб борилган. Тошкентда давлат муассасаларида ишлар форс тили билан бир вақтда ўзбек тилида юритилган.

Ишга алоқадор ҳужжатларни туза билиш ўша давр ёзувчиларининг ҳаммасининг қўлидан келавермас эди. Адабий кечалар одатда хонанда ва созандаларнинг чиқиши билан якунланарди. Шаҳарнинг юқори табақа феодал аристократияси вакиллари адабий мунозаралар ўтказиш билан бирга, турли спорт ўйинларида қатнашардилар. Нард ва шахмат ўйнашарди, қовоққа ёйдан ўқ отишарди, от миниб човган ўйнашарди. Маса-

лан, Тошкентнинг, кейинчалик эса Шайбонийлар давлатининг бош ҳукмрони бўлган Наврӯз Аҳмадхоннинг тарбиячи-ўқитувчиси вазифасига ёй отиш, от миниб юриш ва бошқа ҳарбий машқларни ургатиш кирап эди. Хаттотлик, музика, ашула айтиш, шеърнинг вазн ва улчови ҳақидаги назариядан Зайниддин Восифий сабоқ берарди. Тошкент мадрасасида уша вақтлардаги машҳур олимлар — Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хожа Юсуф Кошфарийлар дарс берарди.

Юқорида келтирилган мисоллар XV асрнинг охири ва XVI асрда Тошкент шаҳрининг маданий ва иқтисодий ривожланишидан, ҳунармандчилик ривожланганигидан бирмунча маданий кучлар тупланганигидан далолат беради. Аммо тухтовсиз узаро ички феодал урушлар, кўчманчи қабилаларнинг босқинчиликлари, аҳоли ҳунарманд табақасининг, шу жумладан уёки бу даражада маданият арбобларининг эксплуатация қилиниши адабиёт ва санъатнинг кенг ривожланишига имкон бермасди. Шоир ва ёзувчилар, тарихчилар, хаттотлар ва рассомлар фақатгина ўз меҳнатлари эвазига яшар, яъни юқори табақа вакилларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган асалар яратар ва бу жиҳатдан феодал ҳукмдорларга бутунлай тобе бўлишга мажбур әдилар.

Тошкентда кейинчалик маданий ривожланиш инқизорзга учрайди. XVII асрнинг тарихчи-энциклопедист олими Маҳмуд иби Вали Тошкент ахолиси маданияти ҳақида қўйидагиларни ёзади: «Ўтмишда у ердан [Тошкентдан] шайхлар, машҳур олимлар ва турли хил илм соҳиблари куплаб етишиб чиққан. Аммо бугунги кунда [XVII асрнинг 40-йилларида] доимий равишда бўлиб турадиган қўзғолон ва фитналар туфайли илм олиш ниҳоятда оғирлашиб кетди»³⁵.

XV—XVI асрларда Тошкентдаги сиёсий воқеалар

Тошкент узининг географик урни ва хўжалик ривожланишига кўра шаҳар тараққиётининг барча босқичларида Ўрта Осиё тарихида муҳим роль ўйнади. Тошкент бир областнинг, айрим йилларда эса территориясига нисбатан катта давлатнинг пойтахти бўлган. Шунинг учун ҳам бу бой шаҳар ва вилоятга қушни

³⁵ Маҳмуд иби Вали. Море тайи, с. 56—57.

феодал ҳукмронлар күз олайтириб, уни үзига тобе қилмоқчи булғанлару, ниятлари амалга ошмаганда шаҳарни талаб кетгандар ажабланарли ҳол эмас, албатта. Уларни маҳаллий ва шаҳардан олиб утиладиган моллардан тұпланадиган солиқлар, катта-катта бозорлар, конлардан олинадиган беҳисоб фойдалар, шунингдек, дәхқон ва чорвадорлардан үндиріладиган турли хил солиқлар үзига тортарди.

XV асрнинг охирлари ва XVI—XVII асрларнинг айрим йиллари Тошкент ҳукмронлари ҳам иштирок этган үзаро феодаллар қирғин урушлари даври бұлды. Бу даврлар күчманчи қабила бошлиқларининг қули баланд келған давр әди.

XV асрнинг 50-йилларида Темурийлардан Абу Сайд ҳукмронлық қилған (1451—1469 йиллар) йилларда Тошкент күчманчи үзбекларнинг хони Абул Хайр (1428—1468 й. й.) томонидан босиб олинади. 1463 йили Шоҳрухияда тузилған шартномага мувофиқ шаҳар унга тегишли районлар билан мұғул хонлари, ундан сүнг Темурийлар қулиға утади. Лекин орадан күп вақт үтмай, яна мұғуллар хонига тобе булиб қолади. XV асрнинг охирларига келиб (1585 й. й.) Юнусхон Тошкентни үз давлатининг пойтахты деб әзълон қилади. Тошкент бир неча йиллар давомида пойтахт булиб келади. Аммо 1503 йили Мұхаммад Шайбонийхон томонидан босиб олингач, Шайбонийлар давлати бир вилоятининг марказыға айланади. XVI асрнинг охирі — XVII асрнинг бошида Тошкентни қозоқ султонлары босиб олади.

Феодал ҳукмронларнинг бундай хатти-харакати шиддатли жанғлар, оммавий тұнаш, ақолини қириш, әқинларни пайхон қилиш, шаҳар деворларини, үйларни вайрон қилиш билан амалга ошириларди.

Тошкентни құлға киритиш фақатгина шаҳарни хонавайрон, ақолини қириш йули билангина эмас, балки рақобат қилаётгап шаҳарни күчсизлантириш, шаҳар ва областта ҳукмронликни янада ошириш мақсадида шаҳар ақолисини, айниқса ҳунармандларни үрганған жойларидан босқинчиларга тобе бўлған жойларга кўчириш йўли билан ҳам амалга ошириларди.

Тошкент ҳукмронларининг үзи кези келганды қўшини ерларга босқинчилик қилиб маҳаллий ақолини асир қилиб олиб келарди. Шу билан бирга, Тошкент деворлари қалъага бошпана излаб келған қўшилар учун ҳам ҳимоя воситаси булиб хизмат қилған.

Тарихчилардан бирининг ёзишича, қозоқ улуслари-га қалмиқлар ҳужум қилганда «...қозоқ халқининг қабила ва уруғларининг катта қисми.. асирикка олиниди... қозоқлар ва қорақалпоқларнинг уруғи қалмиқларнинг сон-саноқсиз аскарларини куриб, даҳшатга тушиб, ўз утовларини ташлаб Тошкент деворларидан нажот қидирдилар»³⁶.

Тошкент учун оғир дамлар бошланганда Тошкент ва унинг атрофида яшаётган халқлар биргалашиб душман ҳужумини бартараф этганлар³⁷. Қозоқлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар тошкентликларнинг душман ҳужумини бартараф этишида ва ғалаба қозонишида ёрдам берар әдилар.

Темурийлар ва узбек хонларининг ҳарбий юришлари куч тұплаш жойлари ҳисобланған Тошкент орқали үтарди. Амир Темир Даشت Қипчоққа ҳужум қилганда шундай бұлған әди. У 1390—1391 йили Тошкентдан Тұхтамишхонга қарши ҳужум бошлаган ва бой үлжа билан Тошкентга қайтиб келген³⁸. Шу ерда Улугбек-нинг аскарлари муғулларга ҳужум қилишдан олдин куч тұплаган.

Бу ва шунга үхшаш барча ҳолларда Тошкент шаҳри ва обласыдан дам олиш, куч тұплаш, Тошкент воҳаси меҳнаткаш аҳолисининг ҳисобига лашкарни озиқовқат ва керакли асбоб-ускуна билан таъминлаш учун фойдаланғанлар. Маҳаллий аҳоли қүшинларни озиқовқат маҳсулотлары, юқ ҳайвонлари, ем-хашаклардан ташқари аравалар билан ҳам таъминлаши лозим әди.

Амир Темир даврида Тошкент унинг тасарруфидаги ерлар қаторига құшиб олинған, амир чегара қисмати-ни Шоҳрухнинг кичик ёшдаги ўғиллари ихтиёрига топширган әди. Тошкент, Сайрам ва Мұғалистон 1404 йили Улугбек ихтиёрига топширилған. Амир Темир вафотидан сұнг Тошкент қисқа муддатта Халил Султон құлига үтади. Халил Султон Тошкентни узоқ вақт қамал қилиб, маҳаллий халқнинг қаттиқ қаршилигига учраб, шаҳар аҳолисини оч қолдириб, уни әгаллайди.

Шаҳар истеҳкоми ва аҳолининг, айниқса қуйи табақанинг қаттиқ қаршилик күрсатиши барча душманларга доим шаҳарни әгаллаш имконини бермас әди. Душман ҳам баъзан шаҳарни бир неча ойлаб қамал

³⁶ Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме, с. 163.

³⁷ Ходжа Самандар Термези. Дастан ал-мулюқ, с. 110.

³⁸ Фасих Ахмад ибн Джалал ад-дин Мухаммад ал-Хавафи. Муджамал-и фасихи (Фасихов свод). Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Юсуповой, Ташкент, 1980, с. 113—114.

қиларди, бу аҳолининг хонавайрон булишига, экинларни оёқ ости булишига олиб келарди. Феодал ҳукмдорларнинг тартибсизликлари ва талон-торож қилишлари кези келганда шаҳарнинг атрофдаги районлар ва бошқа маданий марказлар билан узоқ вақт иқтисодий алоқанинг узилишига сабаб буларди. Қамал, ҳукмронларнинг тез-тез ўзгариб туриши ташқи савдонинг қисқаришига олиб келарди. Бозорлар, айниқса Чорсувдаги катта бозор ҳувиллаб қолар, боққоллар ўз дуконларини ёпардилар. Ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳоли билан олиб бориладиган савдо алоқалари баъзида феодал ҳукмронларнинг маҳсус фармони билан бузиларди. Масалан, Шайбонийхон қозоқ сultonларининг ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида қозоқ савдогарларига Туркистон ва Мовароунаҳр билан савдо қилишга чек қуяди. Шу мақсадда ва қўрқитиш учун «Туркистон районларида ва Хоразмнинг бир қанча шаҳарларида бир неча бор қозоқ савдогарларини тұнаш ҳақида фармон берилди»,—деб ёзади Фазлуллоҳ ибн Рӯзбихон. Шу тарихчи: «Хон ҳазратлари қозоқларга Туркистон ва Мовароунаҳрда савдо қилишни тақиқлашни лозим топдилар»³⁹,—деб ёзади.

Шу даврнинг замондошлари, жумладан, Мұхаммад Солиҳ, Мулла Шодий, Бадриддин Қашмирий ва XVI асрнинг бошқа шоир ва ёзувчилари босқинчиликнинг, ўзаро урушларнинг оқибатларини ўз асарларида қайд қилиб ўтишади.

XV асрнинг иккинчи ярмида ва айниқса юз йилликнинг охирларида Темурийлар давлати ўз мавқеига кура сиёсий мустақилликка эга бўлган майда давлатларга булиниб кетган эди. Шу билан бирга, давлат тепасида турган Темурий сultonларнинг ҳаёт-мамоти йирик феодаллар ҳамда феодал гуруҳларга боғлиқ эди. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ўллонлардан озод қилинган йирик феодаллар — тархонлар муҳим роль ўйнардилар. Улар йирик ер эгалиари булишлари билан бир қаторда бир хиллари Бухорода, айримлари Самарқандда ва яна бошқа бирин Сирдарё атрофидаги шаҳарларда ҳокимииятни ўз қўлларида сақлар эдилар. Тошкент ва унинг атрофидаги областлар бир қанча вақт тархон беклиги назорати остида бўлган.

³⁹ Фазлаллаҳ ибн Рӯзбихон Исфахани. Михманнаме-ий Бухара, с. 101, 102.

Тархон ёрлигини олишга мұяссар бұлған киши тархон деб аталар әди. У ёрлик шартыга биноан үзига қарашли ерлардан түрли соликларни йиғиб олса-да, уни ҳукмдорға топширмас әди. Шунингдек, у бир қанча ҳуқуқтарға әга әди. Масалан, уннинг гуноҳларини 9 мартағача кечиришар әди. Тошкентдаги Дархон канали — Дархон ариқнинг номи үша даврлардан сақланиб келған бұлса ажаб әмас.

Тошкент сұнгги Темурийлар даврида гоҳ Самарқанд ҳукмдорларига, гоҳ Бухоро султонларига, гоҳ Фарғона ҳокимига бүйсунған. Улар янги территорияларни босиб олиш учун бир-бири билан тұхтовсиз кураш олиб борадилар. Захириддин Мұхаммад Бобур үз отаси Умар Шайх ҳақида шундай ёзади: «У мұнтазам равища құшни виляятларға ҳужум қиласы, ерларни босиб олиш ҳавасини көлтиргани учун тез-тез тинчликни уруш ва душман дүстлигига алмаштиради»⁴⁰.

Умар Шайх ҳарбий юриш бошлашидан олдин бир неча бор мұғул хони Юнусхонга ёрдам сұраб мурожаат этар ва ёрдами әвазига унга ер-сув инъом этарди. Захириддин Мұхаммад Бобурнинг ёзишича: «Сұнгги маротаба улар Шайх Юнусхондан ёрдам сұраганида, унга Тошкент вилятини инъом этган»⁴¹.

XV асрнинг охири — XVI асрнинг урталарида Тошкент жуда ҳам катта давлатнинг марказига айланды. Шу йиллари Тошкент ҳукмдори құшни феодал ҳукмдорларнинг ишига тез-тез аралашиб, күп ҳолларда уларни үз фойдасыга ҳал қила оларди. Бундай ҳолларда Тошкент ҳукмдори баъзан үз территориясини қисман кенгайтиришга ҳамда Сирдарё буйлаб ва Фарғонада жойлашған шаҳарларда үз ҳукмдорлигини үтказишга муваффақ бұларди. Султон Маҳмудхон даврида уннинг ер-сувлари қаторига Үтрор ҳам кирган. Биной ва автори номаълум бұлған «Таворихи гузидай нусратнома»да баён этилишича, хон Үтрорни үз сиёсий фалиятини эндигина бошлаган Шайбонийхонга инъом этган ва бу билан Темурийларға қарши курашда үз итифоқдошини күпайтиromoқчи бұлған. Ерлиқлар тұпламига кирган ва үзбек тилиге таржима қилиниб нашр этилған⁴² Фарғона ҳужжатларидан, шунингдек адабиётлардан маълум бўладики, XV асрнинг охири ва XVI

⁴⁰ Бобурнома, 15-бет.

⁴¹ Уша асар, 16-бет.

⁴² Жувониймардиев А. XVI—XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир, Тошкент, 1965.

асрнинг айрим йилларида Тошкент ҳукмдорларига, жумладан, Навruz Аҳмадхонга, Дарвишон ва бошқаларга Фарғонанинг баъзи шаҳарлари, шу жумладан, энг кучли қалъаларидан бири — Аҳси шаҳри ҳам тобе бўлган.

Қадим-қадимлардан Самарқанд билан Тошкентни боғлайдиган карvon иули ўтадиган Ховос ҳам Тошкентнинг кучли қалъаси ҳисобланарди. Хожа Самандар Термизий Тошкентга тобе бўлган қалъалардан яна бири — Бискент (ҳозирги Пискент) мустаҳкам қалъа ҳисобланган, деб таъкидлайди.

XVI аср ёзма манбаларида Тошкентнинг машҳур қишлоқларидан Чирчиқ дарёси қўйиладиган ерга жойлашган Ширза, шунингдек Оқтош, Фазалкент (ҳозирги Фазалкент) қайд қилинган. Маҳмуд ибн Вали ёзишича, Тошкент кўплаб қарам бўлган қишлоқ ва овулларга эга бўлган⁴³. Тошкент вилоятига Оқфулад ва Мугалак туманликлари ҳам кирган.

Айрим Тошкент хонлари Темурийларнинг пойтахт шаҳри — Самарқандни ўзларига тобе қилиш учун бир неча бор уриниб куришган. Бобур ёзишича, Султон Маҳмудхон ўзаро курашлардан фойдаланиб Самарқандни босиб олиш мақсадида Тошкентдан юриш бошлиди. Лекин унга Темурий Бойсунқур мирзо кучли, яхши қуролланган кўп сонли аскарлари билан қарши чиқиб Султон Маҳмудхон аскарларини енгиб, уни чекнишга мажбур этади⁴⁴.

Отасининг вафотидан сўнг Фарғона таҳтига ўтирган ёш Заҳириддин 1495 йили Султон Маҳмудхон ҳарбий юришидан хавфсираб Тошкент ҳокимини бориб куради ва шу билан унинг ҳукмронлигини номигагина тан олади. «Муносабатларимиз яқин (Султон Бобур Маҳмудхоннинг жияни эди — Р. М.), хон бамисоли менга ота ёки ака бўлганлиги учун мен бориб уни курсам, унга хизмат қилсан олдинги адоватлар йўқолиб кетиши мумкин деган фикр келди»⁴⁵, — деб ёзади Бобур.

Заҳириддин Бобур Андижон феодалларининг сепаратив интилишларига қарши курашда ёрдам сўраб Султон Маҳмудхонга мурожаат этган эди. Орадан бир қанча вақт утгач, Заҳириддин Бобур ва Султон Маҳмудхон биргаликда Самарқандни босиб олишга ҳара-

⁴³ Маҳмуд ибн Вали. Море тайн, с. 56.

⁴⁴ Бабур-наме, с. 38; Камолиддин Биноий. Шайбоний-нома, Узбекистон ССР ФА Шарқшунослик институти қўллэзмаси, ишв. № 1235, 61-в; Таворихи гузидай нусратнома. 111 а-варақ.

⁴⁵ Бобурнома, 39-бет.

кат қиласидар. Мовароуннаҳрнинг пойтахтини ўзига тобе қилиш ниятида хон 1498 йилнинг урталарида беш мингга яқин аскарини Самарқандга юборади. Султон Маҳмудхон уз жиянини қуллаб-қувватлаш учун тез-тез уз аскарларини юбориб турган. Хон бу билан деярли ҳеч нарса йуқотмасди. Агар бу урушда жиянининг қули баланд келса Бобур Фарғона ҳукмдори сифатида хоннинг янги вассали булиб қоларди. Мабодо аксинча булиб чиқса, Тошкент ҳокими аҳолини талаш билан чегараланар эди. Самарқанд тахтига даъвогар булиб турган Темурийларнинг бошқа авлодидан ҳам хон уз «ёрдами»ни аямаган.

Муҳаммад Шайбоний 1500 йили Самарқандга ҳарбий юриш қилган вақтида Султон Маҳмудхон Камолиддин Биноийнинг ёзишича, унга ёрдам сифатида беш минг аскар юборган⁴⁶. Муҳаммад Ҳайдар таъкидлашича, Шайбонийхон Султон Маҳмудхон ёрдамида Самарқанд ва Бухорони эгаллаган. Лекин кейинчалик Самарқандни Заҳириддин Бобур забт этганда Тошкент ҳокими унга Шайбонийхонга қарши курашида ёрдам қўлини чузиб, беш юз кишилик аскар жўнатган⁴⁷.

Сиёсий душманлари томонидан таъқиб этилаётган ва мамлакатни бошқаришга даъвогар ҳукмдор династиясига қарашли ва юқори мансабдор баъзи шахслар Тошкент шаҳар деворлари ортида паноҳ топганлар. Шайбонийхон Самарқандни босиб олиш хавфи туғилганда Хўжа Убайдулла Аҳоронинг катта ўғли Хожаги Хўжа, Темурийлардан Султон Маҳмуд Мирзонинг учинчи ўғли Воис Мирзони онаси Тошкентга олиб келган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур дарбадар йиллари Тошкентдан нажот топган. Бу мисоллар Темурийлар давлати майдаланиб кетган даврида Тошкент сиёсий жиҳатдан муҳим роль ўйнаганлигидан далолат беради.

Шайбонийхон Темурийлар давлатини забт этганидан сунг Тошкентни босиб олиш учун ҳарбий юриш бошлайди. У бунга яхши тайёргарлик куради. Муҳаммад Шайбонийхон барча султон ва шаҳзодаларга ҳарбий юришда иштирок этишга ва ғалаба қилинмагунга қадар, бирорта ҳам султон жанг майдонини ташлаб кетмаслиги⁴⁸ ҳақида фармон беради. Шу вақтда Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон Андижонга ҳарбий юриш қилишга тайёргарлик куриш билан овора эди.

⁴⁶ Камолиддин Биноий, Шайбонийнома, 66-варақ.

⁴⁷ Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашидий, 635, 676-варақ-лар: Бобурнома, 108-бет.

⁴⁸ Муҳаммад Солиҳ Шайбонийнома, СПб., 1908, 123-бет.

Султон Маҳмудхон Аҳмад Танбал босиб олган Фарғона ерларини гүё Бобурга қайтариб берганидек харакат қиласиди.

Бобур бошчилнидаги лашкарлар қисқа вақт ичида Фарғонанинг бир қанча шаҳарларини босиб олади. Лекин Султон Маҳмудхон Бобур қайтариб олган ерларни укаси Султон Аҳмадхонга беради. Бу эса тоға ва жиян ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборади. Маҳаллий аҳоли келгинди (Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон) аскарларга қарши чиқиб, уларни ҳайдаб юборади.

Шу орада Шайбонийхон ҳеч қандай қийинчиликсиз Аҳси шаҳрини қўлга киритади. 1503 йилнинг баҳорида душманлар қўшини Архиан шаҳри яқинидаги учрашади. Қисқа, лекин шиддатли жанг булади. Хон енгилади. Тирик қолган лашкарлари жанг майдонини ташлаб қочади. Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон асирушади. Гарчи Шайбонийхон баъзи мулоҳазаларга бориб, уларни асирикдан озод этган бўлса-да, аммо унинг фармонига мувофиқ Маҳмудхон 1509 йилда қатл этилади. Бир неча йил олдин, яъни 1504 йилда Султон Аҳмадхон вафот этади (заҳарлаб ўлдирилган бўлса керак). Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жанубий Фарғона тоғларига, кейинчалик жанубга кетади.

Шайбонийхон томонидан 1503 йили босиб олинган Тошкент Жонибек Султонга, Шоҳрухия эса «улуг амирлардан бири» Қорачин девоннинг укаси Ёқубга бошқариш учун берилади. Андижон ўзбек хонининг олий ҳокимиятини тан олган Аҳмад Танбал қўлида вақтингчалик қолдирилади.

Феодал ҳукмдорларининг босқинчилик ҳаракати туфайли аҳоли хонавайрон булади, «бутун аҳоли гадой булиб қолади»⁴⁹. Шайбонийхон бошқа феодал босқинчилар сингари бойликларни қўлга киритиши билан бирга ўз ҳукмронлигини қонунлаштириш мақсадида малика Ойша Султонхонумга уйланади.

Муҳаммад Шайбонийхон нисбатан марказлашган давлат тузиб, босиб олган ерларини ўз яқин қариндошлари ва қабила бошлиқларига булиб беради. Уларнинг кучайиб кетишини олдини олиш учун ёзма манбаларда таъкидланганидек, Шайбонийхон бир ҳукмдорни бошқа бир ҳукмдор билан алмаштиришни амалда қўллар эди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳ ёзишича, Тошкент 1503 йили босиб олингандан сўнг Жонибек

⁴⁹ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома, 155-бет.

Султонга берилган. «Тарихи Қипчоқхон» муаллифи таъкидлашича, Шайбонийхон Тошкент ва Андижонни дарубаст сифатида ўғли Темир Султонга (ушбу асарнинг Тошкент қўлёзмасига мувофиқ Жонибек Султон ва Темир Султонга) инъом этган⁵⁰. Ҳақиқатан ҳам, «Тарихи Қипчоқхон» автори кейинчалик Тошкент ҳукмдори деб Жонибек Султонни айтиб утади⁵¹. Уз асарини 1509 йили ёзиб тамомлаган Фазлуллоҳ ибн Рӯзбихон Тошкент ҳукмдори деб Суюнчхўжа номини курсатиб утади. У ўз асарининг бошқа яна бир жойида Шош вилоятининг пойтахти Тошкент ва унга тобе ерларни бошқариш Кучум Султон ҳазрати олийларига топширилган эди, деб таъкидлайди. «Андижоннинг Қашқаргача булган ерларини бошқариш султон ҳукуматидан паноҳ топган ҳазрат олийлари Суюнчхўжа Султонга топширилган эди»⁵².

«Тарихи Қипчоқхон» муаллифи таъкидлашича, Самарқанд тахтида утирган Кўчкунчихон Тошкент, Андижон ва Шоҳрухия шаҳарлари ва вилоятларини бошқаришни укаси Суюнчхўжа султонга топширади.

Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳий таъкидлашича, Суюнчхўжа Тошкент қалъасини босиб олади. Арк ичига Муҳаммад Қосим Кухбурда яширинган эди. Суюнчхўжа баъзи бир мудофаачиларни жазолайди⁵³. Шундан сўнг Суюнчхўжа Фарғонани босиб олган Сайдхон устига юриш бошлайди. Оҳангаронда улар ўртасида қаттиқ жанг булади. Сайдхон мағлубиятга учраб олдин Фарғонага, ундан кейин Қашқарга қочиб кетади. Суюнчхўжа Фарғонани забт этиб Тошкентга қайтиб келади. Андижонга Муҳаммад Султонни ҳукмдор қилиб тайинлайди⁵⁴.

Суюнчхўжа Шайбонийлар династияси Тошкент шоҳобласининг асосчиси ҳисобланади. Унинг авлодлари Абдуллахон II Тошкентни босиб олгунга қадар Тошкентнинг мустақиллиги учун курашиб келганлар.

Суюнчхўжа Султон ҳукмронлик (1509—1524 йиллар) қилган йилларда Тошкентнинг иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги роли бирмунча ўсади. Кўп

⁵⁰ Тарихи Қипчоқхон, 258б-варак.

⁵¹ Хуршут Э. У. «Тарихи қипчак-хаки» — важный источник по истории Ср. Азии и Сев. Афганистана XVI—XVII вв. ОНУ, № 6, 1981.

⁵² Фазлуллоҳ ибн Рӯзбихон Исфахоний. Мехмонномаи Бухоро, 57, 144-бетлар.

⁵³ Бартольд В. В. Отчет о командировке в Туркестан. Соч., том XIII, с. 141.

⁵⁴ Уша автор, уша асар.

йиллар Тошкент ва Шоҳрухияда яшаган Зайниддин Восифий ишоятда бебаҳо ёдномасида Тошкент ва унинг атрофида яшаб ижод этган шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, хаттоллар ва бошқа маданият арбоблари ҳақида қисқа маълумотлар келтиради. Суюнчхўжахон Тошкент қалъасидан ташқарида Кайковус чорбоғини барпо этган, деган фикр қулёзмаларда учрайди. Фазуллоҳ ибн Рузбихон маълумотлари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, Суюнчхўжа ўз қули остида кўп минг сонли лашкарга эга бўлганлигини биз Фазуллоҳ ибн Рузбихон асаридан биламиз. Суюнчхўжанинг тантанали юришларида «келиб чиқиши бўйича ўзбек бўлган ўн мингдан ортиқ отлиқ аскари бор эди. Жанг вақтида ҳар бирининг кучи ва мардлиги уша вақтнинг минг паҳлавонига туғри келарди. Уларнинг ҳар бири машҳур паҳлавонлардир»⁵⁵. Суюнчхўжа Тошкентнинг қудратли хонларидан бўлган. У ўз қўшинлари билан тез-тез қўшни чўлларга ҳам ҳужум қилиб туради.

Тошкент ва Сирдарё бўйларида шаҳарларга ҳукмронлик қилиш учун унлаб йиллар мобайнида Шайбонийлар билан қозоқ султонлари уртасида кураш борган.

Шайбонийхон вафотидан сунг (1510 йил 29 ноябрь) қисқа вақт Суюнчхўжа Шайбонийлар династиясининг бошлиғи деб эълон қилинади. Амир Темурнинг Бибиҳоним мадрасасида унинг номига хутба ўқилади. Лекин Суюнчхўжа даврида ҳам султонлар ўртасидаги ўзаро жанжаллар тугамаган. Суюнчхўжахон 1524 йили вафот этгандан сунг Тошкент тахтига унинг ўғли Султон Маҳмуд (Келди Муҳаммад, 1524—1533 йиллар) ўтиради.

Кўпгина қулёзма манбаларда қайд қилинишича, 1533 йили вафот этган Келди Муҳаммад урнига шу вақтга қадар Шоҳрухияни бошқариб келаётган Суюнчхўжанинг бошқа яна бир ўғли Наврӯз Аҳмадхон (1533—1555 йиллар) номи билан машҳур бўлган Бароқхон эга булади. Бароқхонни Тошкент, Туркистон ва Фарғонанинг ҳукмдори деб аташади. Бу эса Туркистон ва Фарғонанинг Тошкентга тобе бўлганлигидан далолат беради. Султон Наврӯз Аҳмадхон бошқа ҳукмдорларнинг ерига ҳамда Шайбонийлар давлатининг марказий шаҳарларига тез-тез ҳужум қилиб туар ва шароитга

⁵⁵ Фазлаллаҳ ибн Рузбихон Исфахани. Михманнаме-ийи Бухара, с. 89.

қараб гоҳ у томон, гоҳ бу томон билан ҳарбий итти-фоқ тузарди.

Тарихчи Мұхаммад Юсуф Баёний ёзишича, Бароқхон Хоразм юқори доира вакиллари билан қариндошлик алоқасида булган. Йулбарсхоннинг невараси Умар Султон унинг жияни эди. Бароқхон Бухоро ҳукмдори Убайдуллахоннинг Хоразм устига ҳарбий юриш қилишга ва Хоразм тахтига жияни Умар Султонни ўтказишига кўндиради. Убайдуллахон Хоразмга юриш қилиб, ғалабага эришади, тахтга ўз ўғли Абдулазизхонни ўтқазади⁵⁶.

1554 йили Наврӯз Аҳмад Шайбонийларнинг олий хони бўлади. «Тарихи Қипчоқхон» муаллифи қайд қилишича, бутун Туркистон, Мовароуннаҳр, Балх, Бадахшон, Хоразм, Марвни «жутба ва унинг исми зарб қилинган тангалаар безади». Лекин шу авторнинг ёзишича, Наврӯз Аҳмадхон узининг кўп вақтини Тошкент районларида, қушни ҳукмдорлар билан булган жангларда ўтказган.

Наврӯз Аҳмадхон даврида Фарғона шаҳарлари Тошкентга тобе булган. У Аҳси ва Андижоннинг ҳукмдори қилиб Жувон Али Султонни, Самарқандни бошқарган Султон Сайдга Бухорони Бурхон Султондан тортиб олиб бермоқчи бўлади. Бурхон Султои Наврӯз Аҳмадхоннинг бу ниятларидан хабар топиб Абдуллахондан ёрдам сурайди.

Наврӯз Аҳмадхон уч ой давомида Бухорони қамал қилиб туради. Лекин ҳеч қандай натижасиз Самарқандга қайтишга мажбур бўлади. Ўша вақтларда Бухоро ҳукмдори булиб турган Бурхон Султон Бухорони қамал қилган исёнчи Қоракул амирларига қарши курашиш учун Наврӯз Аҳмадхондан ёрдам сурайди. Наврӯз Аҳмадхон катта куч тўплаб зудлик билан етиб келади. Лекин ўз лашкаргоҳида хон ўлдирилади. У Жўйборий шайхининг Абдуллахон билан келишиб юборган одами томонидан ўлдирилган бўлса керак. Баъзи бир қулёзма манбаларида бу воқеа 1556 йили, яна бир бошқа қулёзмаларда эса 1557 йили содир бўлган дейилади.

Бароқхон олдин душман томонда булган ҳукмдорларнинг ҳам жазосини беради. Иирик руҳоний—Махдуми Аъзамнинг катта обруйига қарамай куч билан унга тегишли қишлоқларни тортиб олади. Кейинчалик

⁵⁶ Мұхаммад Юсуф Баёни. Шоджараи Хоразм-шохи, ИВ АН УзССР, № 9596, л. 336.

у Фаргона дин арбобларига — сайидларга, чунончи, Фозил Али ва унинг болаларига (унинг томонида бўлганлиги учун) катта имтиёзлар беради.

Кучли марказлашган ҳокимиятнинг йўқлиги Урта Осиё шаҳар ҳамда қишлоқларининг ва, айниқса, чегара атрофидаги Тошкент умумий иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этди. Ўша йиллари Тошкент теварак-атрофидаги районлар аҳолисини талаш тез-тез содир бўлиб туради.

Шаҳарнинг узоқ вақт қамал қилиниши, Тошкент чеккаларига душман лашкарларининг айрим ҳолларда баҳорги ва кузги экинларни пайҳон қилиш учун ҳужум қилиб туриши аҳолини хонавайрон булишига, чекка районлардаги ғаллани йўқ бўлишига олиб келарди. Феодал ҳукмдорларнинг тартибсизлиги ва талон-тарож қилиши шаҳарнинг атрофидаги районлар, бошқа маданий марказлар ҳамда чул билан алоқасини узоқ муддат узиб қўярди.

Бундай тартибсизлик йилларида маҳаллий амалдорларнинг хиёнати ҳам кучаярди. Чунончи, қозиларнинг ўз амалларидан фойдаланиб, шахсий бойлик орттиришга ҳаракат қилган вақтлари кўп буларди. Тарихчи Мұхаммад Аминнинг «Мазхар ал-аҳвол» асарида келирилган маълумотлар бунга мисол бўла олади. У бир вақтлари ўзининг устози бўлган қози Низомиддинхўжа ибн Сайдхўжа Насифийнинг фаолиятини тавсифлар экан, уни «шариат қонунларини динор ва дирхамга алмаштирган» инсон сифатида таърифлайди. Асосан у аҳолининг эзилган феодал табақаси ҳисобига ўз бойликларини кўпайтирган.

«Қозининг аҳволи қийинлашганда,— деб ёзди Мұхаммад Амин,— унинг учун иғвогарлик, фисқу-фасод ва эзилган, камситилган ҳамда жабрланган аҳолининг мол-мулкини талашдан бошқа нарса қолмади»⁵⁷.

Аҳолининг оғир аҳволини табиий оғатлар яна ҳам қийинластирар эди. Бадриддин Кашибир иёшичча, 1566—1567 йилларда қиши жуда қаттиқ келган. Натижада барча мева дарахтларини ва токларни совуқ уриб кетган. 1567 йилнинг ёзида вабо тарқалиб, юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган.

Оғир феодал зулм, тинимсиз узаро ва босқинчилик урушлар, табиий оғатлар меҳнаткаш халқнинг тинкасини қуритарди ва унинг синфий курашини ривожла-

⁵⁷ Мұхаммад Амин, Мазхар ал-аҳвол, Қўлёзма, УзССР ФА ШИ, № 1936, 93 б-варақ.

нишга олиб келарди. Эзилган халқ ғазабидан кўпчилик ҳолларда ҳокимиятга даъвогарлик қилувчилар фойдаланаар эдилар. Улар кўпинча халқ оммасини синфий курашлардан чалғитиб, халқ кучидан ўз амалларини ошириш мақсадида фойдаланаар эдилар.

Наврӯзхон вафотидан сунг олий хон қилиб Балх ҳокими Пирмуҳаммад тан олинади. Шунда ҳам у Балхни тарк этмайди. Бу даврларда Абдуллахон II нинг мавқеи кучайиб боради. Лекин унинг ғалабаси амаки-ваччалари, тоғаваччалари, яқин ва узоқ қариндошлари ҳамда ўзбек қабилаларининг бошлиқлари бошчилик қилган отрядлар билан қонли тўқнашувлар орқали амалга оширилади. Ўрта Осиё шаҳарлари бир неча бор унинг тобелигига ўтиб, бир неча бор қулдан бой берган вақтлари ҳам бўлган. Ўзбек султонларининг бирқисми Абдуллахоннинг марказлаштиришига қарши олиб борилган курашларда бирлашишга ва биргалида жанг қилишга ҳаракат қилганлар. Шундай султонлар орасида Навruz Аҳмадхоннинг ўғиллари, айниқса Бобо Султон ажralиб турарди. «Тарихи Қипчоқхон» муаллифининг ёзишича, Бобо Султон акаси Дарвиш Муҳаммад Султон билан Тошкент, Андижон ва Туркистонни бошқарап эди. Балх ҳокими Динмуҳаммад Абдуллахон II нинг таъқибидан қочиб Бобо Султондан паноҳ излаб келади. Бобохон Абдуллахон II га қарши олиб борган курашларида қозоқ султонларининг ёрдамидан фойдаланган. 1579 йили қозоқ султонларининг ёрдамини муносиб тақдирлаб, уларга суюрғол сифатида Сирдарё бўйидаги Яса ва Саброн шаҳарларини инъом этади.

XVI асрнинг сунгги ўн йиллигига Тошкент аҳолиси оғир қийинчиликларни бошидан кечиради. Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II нинг парчаланиб кетган ерсувларни ягона давлатга бирлаштириш учун қилган ҳаракатлари Тошкентда ҳам қирғинли урушлар билан давом эттирилади. Абдуллахон 1579 йилда Тошкентни босиб олади. Абдуллахон Жўйборий шайхи Хўжа Саъадга йуллаган хатида Тошкентни Дарвишхонга инъом этганлигидан хабар беради⁵⁸. Ҳофиз Таниш ҳикоя қилишича, 1580 йили Тошкентда халқ исён кутарди. Абдуллахон Тошкент устига қайтадан юриш қиласи⁵⁹.

⁵⁸ Бадриддин Кашмирӣ. Равзат ар-ризвон , 197, 212. 227-бетлар.

⁵⁹ Абдулланома, 245 а, в, 258 б — 259 а, 260 б-варақлар.

1582 йили Абдуллахон Тошкентни ўзига бўйсундиради. Бунгача унинг лашкарлари олти маротаба Тошкент устига юриш қилган эди. Фақат Абдуллахон еттинчи маротаба ҳужум қилгандагина шу вақтгача бир ҳукмдор қулидан иккинчи ҳукмдорга ўтиб келган Тошкентни ўзига тобе қилишга эришади. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Наврӯз Аҳмадхоннинг беш ўғли — Тошкент ҳокими Дарвишхон, Туркистон ҳокими Бобохон, Хоразмшоҳ — Сайрамда, Ахсикент ҳокими Дустмуҳаммад, Андижон ва Фарғона ҳокими Муҳаммад Амин Абдуллахонга қарши курашда бирлашишга ва ҳар бири ўзича қозоқ султонлари ёрдамидан фойдаланишга ҳаракат қилғанлар.

Абдуллахон дастлаб Тошкент воҳасини босиб олишга муваффақ булади. Унинг тарихчиси Ҳофиз Таниш ёзишича, Абдуллахонга бўйсунмаган одамлар хотинлари, бола-чақалари, мол-мулкларидан жудо бўлганлар. Аҳолидан катта миқдорда товон уидирилган. Бадриддин Кашибирӣ ёзишича, товонларнинг бир қисми Бухоро вилоятига жўнатилган.

Тошкент шаҳридан шимоли-фарбда жойлашган Қорақамишда Абдуллахон қўшинлари Дарвишхон қўшинлари билан учрашади. Натижада Абдуллахон Дарвишхонга Тошкент ва унинг атрофидаги ерларни беришга мажбур булади. Лекин орадан бир оз вақт утгач, Наврӯз Аҳмадхоннинг бошқа ўғли Бобо Султон Абдуллахон билан кескин жанг қилиб Тошкентни босиб олади. Бобо Султон Бухоро ва Самарқанд вилоятларига ҳам ҳужум қилади.

«Равзат ар-ризвон» асарининг муаллифи Бадриддин Кашибирӣ ҳикоя қилишича, қозоқ хони Шигай 1581 йили қирғиз амирлари ҳамроҳлигига Даشت Қипчоққа — Бухоро хони Абдулла II га Тошкент ҳокими Бобосултон билан олиб бораётган курашида ёрдам бериш учун етиб келади. Жанглардан бирида Бобосултон Абдуллахоннинг иттифоқдоши — қозоқ султонлари томонидан ўлдирилади. Муҳим савдо ва ҳунармандчилик, маданий марказ — Тошкент учун олиб борилган шиддатли жанг пировард натижада Абдуллахоннинг ғалабаси билан тугайди. Лекин Абдуллахон босиб олган Тошкент талон-торож, хонавайрон қилинган, аҳолининг бир қисми олдинги жанглар вақтида ўзга юртларга мажбуран ҳайдаб кетилган, қолган қисми бир бурда кен топиш учун дарбадарликда юрган вақт эди.

Абдуллахон II ғалабаси туфайли давлатни қисман марказлаштиришга эришилди. Бу ғалаба ҳалқни шун-

чалик хонавайрон қилган эдики, оддий аҳоли хўжа-лигини қайта тиклаш учун кўп вақт талаб этиларди. Тошкентнинг бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиши, Абдуллахоннинг шаҳарни узоқ вақт қамал қилиши шаҳар ва шаҳар атрофини вайрон қилиш, маҳаллий аҳолининг мол-мулкини талаш билан амалга оширилган эди.

Шундай қилиб, ҳунармандчилик, савдо ва маданият маркази Тошкент кўп соили қўшни ҳукмдорларни ўзи-га тортиб турарди. Душман ҳужуми ва ички тартиб-сизликлар шаҳар девори, имаратлари, ирригацион ин-шоотларини бузилишига олиб келди. Бу эса, уз навба-тида, қурғоқчиликка, ҳосилнинг деярли йўқ бўлиб ке-тишига, шаҳар ва унинг атрофидаги районлар эко-номикаси бўшашиб кетишига сабаб бўлди.

Тошкент кенг ҳалқ оммасининг уз феодалларига ва ташқи босқинчиларга қарши қаттиқ ва узлуксиз кура-шининг маркази бўлди. Шу билан бирга, оддий меҳ-наткаш ҳалқнинг меҳнати туфайли вайрон қилинган суғориш каналлари, деворлар, имаратлар асли ҳолига келтирилди, талон-торож қилинган хўжалик тикланди.

Тошкент воҳаси аҳолисининг феодаллар, босқинчи қўшинларнинг лашкарбошилари томонидан хонавайрон қилиниши бутун дикқат-эътиборларини фақатгина ҳукмдор доираларнинг фаолиятини ёритишига қаратган ёзувчилар диққатини ҳам узига жалб этди. Бадриддин Кашмирий агар Абдуллахон қўшинлари Тошкентга келиб, уни эгалласалар, у ҳолда бутун вилоят хонавай-рон бўлиши мумкин деб Тошкент ҳокими қайғурганини ҳикоя қиласди⁶⁰.

Шаҳар узоқ вақт қамал қилинган ҳолда қамалда қолган аҳолининг аҳволи жуда ҳам аянчили эди. Бад-ридин Кашмирий ёзишича, қамалда қолган Тошкент аҳолиси «очликда яшаган»⁶¹. Ушбу жуда оз маълумот-лар феодал ҳукмдорларнинг ҳарбий юришлари Тош-кент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари экономика-сига ҳалокатга олиб борадиган даражада таъсир қил-ганини яққол тасаввур қилишига имкон беради.

Тошкентнинг меҳнаткаш аҳолиси айниқса ҳунар-мандлар ва майда савдогарлар феодал ҳукмдорларнинг тарқоқлиги ва ҳаддан ташқари тартибсизликларига қарши курашишга доимо ҳаракат қилиб келдилар. Тошкент ва Тошкент воҳаси аҳолисининг кўп асирик кураши тарихий манбаларда уз ифодасини топди.

⁶⁰ Бадриддин Кашмирий. Равзатар-ризвон, 324-варақ.

⁶¹ Уша ерда, 231-варақ.

«Дейдиларки,— деб ёзади Маҳмуд ибн Вали,— ўша ви-
лоятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу вилоят бир-
дақиқа ҳам исёнсиз ва ғалаёнсиз турмайди. Шунинг
учун Шош иблислар макони ва ҳукмдорлар йули деб-
бекиз айтишмаган. Ҳақиқатда ҳам, буни тарих куз-
тишлари исботлайди. Эрон подшолари давридан то бу-
гунги кунгача бу безовта ер адоват ва зўрликдан бир-
дақиқа ҳам озод бўлмаган»⁶². Афсуски, ёзма ёдгорлик-
ларда ҳалқ норозиликларини баён қилувчи айrim эс-
даликларгина сақланиб қолган, холос.

Маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилиги натижаси-
да қўлга киритилган Тошкент ва Тошкент вилояти
Абдуллахон ўзига буйсундириб олганидан сўнг вайрон
қилинган ерлар эди. Абдуллахоннинг тинка-мадори-
ни қуритиб Дасти Қипчоққа қилган ҳарбий юриши
Бобохоннинг ўлими ва Шоҳрухия қалъасининг таслим
булиши билан тугади.

Абдуллахоннинг сўнгги ҳукмронлик килган йиллари
ташқи сиёsatда муваффақиятсизликлар содир бўлиши
билан утди.

Шимолда узбек хонининг собиқ иттифоқдоши, бу
вақтга келиб қозоқлар хони бўлган Тавакалхон фаол
ҳаракат бошлади. У Абдуллахонга қарши чиқиб Сир-
дарё бўйидаги шаҳарлар, Тошкент учун кураш бош-
лади. Жанубдан шоҳ Аббос Сафавид Абдуллахон ас-
карларини Хуросондан сиқиб кела бошлади. Абдулла-
хон II нинг вафоти Хоразмнинг мустақиллигини тиклаш
учун бошлаган қўзғолонга ишора бўлди.

Мамлакатнинг умумий оғир аҳволи ҳалқ ғалаёнла-
ри кучайишига, мамлакат ичкарисида ҳарбий-феодал
зодагонлар ва кичик ҳукмдорларнинг ҳаракатини ку-
чайишига олиб келди.

Марказий ҳокимиётнинг йўқлиги ва мамлакатда со-
дир булган тартибсизликлардан ўзбек давлатининг ҳам
ички, ҳам ташқи душманлари фойдаланишга шошил-
дилар. Тавакалхон 1586 йили Тошкентни босиб олиш
учун ўнгидан келмаган ҳаракат қилиб кўрди. Аммо
1588 йили Тошкентда Абдуллахон ҳомийлигига қўйил-
ган ҳукмдорга қарши қўзғолон кутарилди. Ҳалқ ғала-
ёнларидан фойдаланган қозоқ султонлари Тошкентни
босиб олди. Ғалаён бостирилди⁶³.

⁶² Маҳмуд ибн Вали. Море тайн., с. 56.

⁶³ Абусейтова М. Х. Некоторые сведения о ташкентском
восстании 1588 г. в «Шараф-наме» Хафиза Таныша, Вестник АН
Каз ССР, Алма-Ата, 1978, № 10; Бартольд В. В. Абдулла б.
Искендер. Соч., т. II. ч. 2, с. 487.

Бу воқеалар Абдуллахон тузган давлат мустаҳкам иқтисодий ва ижтимоий базага эга булмаганлигидан ҳамда жаҳонгирнинг устомонлик маҳорати ва иродаси туфайли ҳарбий кучга асосланганлигидан далолат беради. Абдуллахоннинг ягона ўғли — Абдурмумин отаси вафотидан сўнг унинг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилди. Лекин отасининг амалдорлари ҳамда тирик қолган ўгай укалари ва ўзбек султонлари билан бераҳм бўлиб, уларни жазолаши ўзига қарши фитна уйғотди. Тошкентда ўтирган султонлар ҳам марказий ҳокимиятнинг заифланишидан фойдаланиб қолдилар.

Абдурмуминнинг амакиваччаси Хазора Султон халқ оммасининг ғалаёнидан фойдаланиб, норози булган тошкентликлар ғалаёнига бош бўлди. Унга Жонибек Султоннинг ўғли Рустам Муҳаммад қўшилди. Абдурмумин кўп лашкар билан бош кутарган султонларга қарши чиқиб, Хазора Султонни асир олди. Рустам Муҳаммад эса қочиб кетди.

Кейинчалик Тавакалхон қозоқ лашкарларига бош бўлиб, қалмиқ ва қирғиз бийлари ҳамкорлигига Бухоро ҳонлигига бостириб кирди. У Тошкентдан ташқари Туркистон, Андижон, Миёнқол, Аҳси сингари муҳим аҳамиятга эга бўлган марказларни эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳатто Самарқанд ҳам вақтинчалик унга тобе эди. Фақат Тавакалхоннинг Бухоро йўлида оғир яраланиши ва Тошкентда 1599 йили унинг вафоти босқинчилик юришларига чек қўйди. Шартнома тузиш натижасида бундан кейинги қонли урушлар вақтинчалик тўхтатилди. Ушбу шартномага мувофиқ Тошкент қозоқ султонлари қўл остига ўтиб кетди, Самарқанд лашкарлари бундан кейин Тошкентга ҳарбий юриш қиласлик ҳақида мажбурият олди.

XVII асрнинг бошларида Андижон вилоятидаги бир груҳ ўзбек султонлари Тошкентга ҳужум қилиб уни Ҳақназархоннинг ўғли Толим Султондан тортиб олдилар.

Имомқулихон Аштархон 1610—1611 йилларда ҳукмронлик қилганда Тошкентни Жаҳонгирхон бошчилигидаги қозоқ султонлари забт этди. Жанубдан Бухоро ҳонлигига қарши шоҳ Савофид кўмагида Вали Муҳаммадхон юриш бошлади. Бу ҳаракатлар Имомқулихонни Туркистон хони билан тинчлик шартномаси тузишга ва Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти устидан қозоқ султонларининг ҳукмронлигини тан олишга мажбур қилди.

Тарихчи олим Б. А. Аҳмедов Маҳмуд ибн Валининг «Бахр ал-асрор» асарига асосланган ҳолда Имомқулихон Тошкент, Туркистон ва уларга тобе бўлган районларни қозоқ султони Ишим Султонга инъом этди, деб ёзди. «Бахр ал-асрор»да қайд қилинишича, кейинчалик Вали Муҳаммадхоннинг лашкарлари Ишим Султонни Тошкентдан хайдаб чиқардилар; Вали Муҳаммадхоннинг ҳарбий лашкарбошиси шаҳардаги вайрон бўлган иморатларни тиклади; Тошкентнинг «шайх, уламо ва бошқа ҳурматли кишиларига» ёрдам кўрсатди⁶⁴.

Маҳмуд ибн Вали ҳикоя қилинишича, Жалим Султоннинг ўғли Турсун Муҳаммад узини Тошкентнинг хони деб эълон қиласди. У Тошкент ва унинг ташқарисидаги вилоятлардан ҳокимиятни «уз қўлига олади». Уни Бухоро хони Имомқулихон қўллаб-қувватлаган⁶⁵.

Тошкент вилоятининг чегараси олдинги йилларда бўлганидек, маҳаллий ҳукмдорнинг ҳарбий ва ишибилармон устомонлигига, мамлакатдаги умумий аҳволга қараб тез-тез узгариб турган. «Мусаххир ал-билод» асарининг муаллифи Муҳаммадёр ибн Араб Қатароний хабарича, Абдулмўминхоннинг вафотидан сўнг Туркистондаги қорақалпоқ халқи Абдулмўминхонга ухшаган кишига Абдулғаффор исмини беради. Абдулғаффор Сайрам, шунингдек, Тошкент, Ахсикент, Андижонни босиб олади. Тошкент шаҳрини пойтахт қилди. Лекин 1604 йили Қорақамишда бўлган жангларда ўлдирилди. Мазкур воқеадан XVII аср бошларида Тошкент кенг вилоятнинг пойтахти бўлганлиги маълум булади.

Шундай қилиб, улкада рўй берган воқеаларни қисқача баён қилиш халқ тинчликда ҳаёт кечирган йиллари ва ҳарбий тўқнашувларнинг вақтинча тұхташи Тошкент воҳасининг бой деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришига ижобий таъсир кўрсатарди. Бундай даврларда қишлоқ хўжалигини ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун қулагай шароит вужудга келар, бошқа шаҳар ва мамлакатлар билан савдо ҳамда дипломатик муносабатлар кучаярди. Афсуски, бундай тинч даврлар қисқа муддатли бўлиб, Тошкентдек муҳим савдо-иқтисодий марказни әгаллаш учун оғир жанглар билан алмашарди. Оддий аҳоли босқинчиларга қаттиқ қаршилик курсатар,

⁶⁴ Аҳмедов Б. А. История Балха (XVI первая половина XVIII в). Ташкент, 1982, с. 107, 138.

⁶⁵ История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней, т. 1, Алма-Ата, 1979, с. 107.

доимо феодаллар зулмига қарши ғалаён күтарар, босқинчилардан қаттиқ жазо оларди.

Мұхаммад Юсуф Муншийнинг китобидан биз айнан шундай мисолни топишимиз мүмкін. Қозоқ султонлари Бухоро ҳокими Имомқулихон ҳокимиятининг бекарорлигидан фойдаланиб Самарқандга юриш қиласы. Ўзбек хони тинчлик сұлхи гузишга мажбур бұлади. Мазкур сұлҳа шартларига мувофиқ, Тошкент қозоқ хонига тобе бўлиши лозим эди. Лекин орадан бир йил ўтгач, Имомқулихон катта лашкар билан Тошкент үстига юриш қилиб, уни Бухоро вилоятига қўшиб олади. Шаҳар ҳокими қилиб, ўз ўғли Искандар Султонни тайинлайди. Аммо ҳаддан ташқари аҳолига зулм қилганлиги, Мұхаммад Юсуф Мунший ёзишича, «шаҳзода (Тошкент) халқига ёқмаганлиги» учун қатл қилинади.

Маҳмуд ибн Вали ҳикоя қилишича, бу воқеалар Тошкентда 1612—1613 йилларда содир бўлган. Ғалаён Искандар Султоннинг ҳокимиятига қарши қаратилган эди. Ғалаён бошлиқлари қурама қабиласининг қўллаб-қувватлаши ҳақидаги ваъданни олдиндан олиб қўйган эдилар. Тошкент аҳолисининг норозилигини курган Искандар Султон шаҳардан қочишига мажбур бўлади. Бироқ Чинозга яқинлашганда қурама қабиласининг одамлари унинг оталиғи билан бирга қатл этишади. Бу воқеадан ғазабланган Имомқулихон жуда күп лашкар билан Бухородан Тошкентга юриш бошлайди. Тошкент деворига етиб келган хон шаҳарни бир ой қамал қиласы. Натижада шаҳар аҳолисининг аҳволи жуда ҳам оғирлашади. Кунлардан бир кун қамал қиласы лашкар эрта саҳарда шаҳар дарвозаларидан бирини ёқиб юборади. Лашкарлар ёниб кетган дарвоза орқали шаҳарга кириб, ёшу қарини фарқига бормай қиличдан ўтказадилар. «Бундай шафқатсизликни,— деб ҳикоя қиласы Мұхаммад Юсуф Мунший,— тарих асло кўрмаган. Ушакуни пешин намозига қадар ўлим бозори жуда ҳам қизиган эди. Юз ёшта кирган нуроний чолнинг ҳам, бир яшар гудакнинг ҳам баҳоси бир эди. Ўлим»⁶⁶.

Содир бўлган ана шундай воқеалар экономика ва маданиятни ривожлантаришга, аҳолининг тинч меҳнат билан шуғулланишига халақит берарди. Орадан бир қанча юз йиллар ўтгач, халқлар доҳийси В. И. Ленин бу даврни қуйидагича таърифлаган эди: «Ўрта аср турғунлиги остида эзилиб ёввойилашган юзларча мил-

⁶⁶ Мұхаммед Юсуф. Муким-ханская история, с. 87—88.

лион аҳоли янги турмушга ва энг оддий инсоний хуқуқлар учун, демократия учун курашга уйғонди»⁶⁷. Нисбатан қисқа муддатда қандай улкан ўзгаришлар содир бўлди! Салкам 70 йил ичида Улуғ Октябрь революциясидан сўнг, Коммунистик партияning доно раҳбарлигида Тошкент шаҳри йирик сиёсий ва иқтисодий марказга, халқларнинг дустлик ва қардошлиқ шаҳрига, юқори маданият ва илм шаҳрига айланди.

* Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 164-бет.

Баҳоси 10 т.

